Бутун дун'ё пролетарлари, бирлашингиз!

# ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитети, Тошкент область, шаҳар комитетлари ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг органи

№ 64 (6739)
29 март шанба 1947 йил
Баҳоси 20 тийин

## БУГУНГИ СОНДА:

ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советидан (1-нчи бет).
Пленум қарорларини большевикча уюшқоқлик блан бажарайлик! (1-нчи бет).
**Е. Городецкий.** — И. В. Сталин Асарларининг тўртинчи томи (2 ва 3-нчи бетлар).
**Ёдгор Бурхонов.** — Биз кўклам экиш ишларини қандай уюштирдик (1-нчи бет).
Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида (3 ва 4-нчи бетлар).
**Яков Николаевич Федоренко** (3-нчи бет).
Испания коммунистлар партиясининг конференцияси (4-нчи бет).
Ливан ва Сурия делегациясининг СССРга қилган сафаридан олган таассуроти (4-нчи бет).

## Ёрдамчи хўжаликларда кўклам экин кампаниясини муваффақиятли ўтказайлик

Партия ва ҳукуматимиз ишчи, хизматчилар ва барча меҳнаткашларнинг моддий ва маиший аҳволини яхшилаш тўғрисида доим ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида барпо этилган ёрдамчи хўжаликлар саноат корхоналари, транспорт ва қурилишлардаги ишчи ҳамда хизматчиларга озиқ-овқат етиштириб берувчи манба'га айланди. Урушдан кейинги тинч қурилиш даврида ҳам ёрдамчи хўжаликларнинг аҳамияти сра камаймади, балки янада ошди. Шунинг учун партия ва ҳукуматимиз ёрдамчи хўжаликларнинг ишини яхшилаш, уларда етиштириладиган дон, сабзавот, картошка ва бошқа экинларнинг ҳосилини ошириш, ёрдамчи хўжаликлардаги чорва молларининг сонини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун бирқанча тадбирлар белгиладилар.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик плани тўғрисидаги қонун Тошкент шаҳри, Чирчиқ, Бекобод, Янгийўл каби йирик саноат марказлари ва республикамизнинг барча шаҳарлари атрофида кучли озиқ-овқат манба'лари —ёрдамчи хўжаликлар яратишни кўзда тутади. Бу нарса меҳнаткашларнинг моддий-маиший аҳволини тобора яхшилаш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз томонидан, ўртоқ Сталин томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Завод ва фабрикалар ҳузуридаги ёрдамчи хўжаликлар ишчи ва хизматчиларни озиқ-овқат блан қўшимча равишда та'минлашда, шубҳасиз, катта роль ўйнайди. Озиқ-овқатни марказлаштирилган тартибга мувофиқ нарядлар блан олиш осон нарса. Аммо, энг муҳими ҳозирги вақтда маҳаллий ресурслардан кенг фойдаланиб, ёрдамчи хўжаликларда экин ҳосилини ошириш зарур.

Завод, фабрикаларнинг партия ташкилотлари, касаба союз комитетлари ёрдамчи хўжаликларнинг ҳамма ишларидан кўз-қулоқ бўлиб туришлари, ишчи ва хизматчилари ёрдамчи хўжалик ҳисобидан озиқ-овқат блан та'минлашни ҳақиқатан ҳам яхшилашга эришмоқлари лозим.

Бу йил бирқатор саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари кўклам экин кампаниясига катта тайёрлик блан келдилар. Кўклам дала ишлари кўп жойларда ўтган йилдагига қараганда бирмунча эрта бошланди. Тошкент темир йўлининг ҳамма ёрдамчи хўжаликларида кўклам экин кампаниясига уюшқоқлик блан киришилди. Темирйўлчилар сабзавот, картошка ва дон ҳосилини ошириш учун ўзларида бўлган ҳамма воситалардан моҳирлик блан фойдаланмоқдалар. Далага 960 тонна гўнг чиқариб тўкилди. Ҳозир эртанги экинлар: чунончи пиёз, карам, картошка ва бошқа резаворлар экиб бўлинди. Темир йўл ёрдамчи хўжаликлари ўзларида жамғарилган уруғдан бир қисмини якка полизчиларга ҳам бердилар. Бу нарса якка полизчиликни кучайтириш ва айрим ишчи, хизматчиларнинг ўзларига беркитиб қўйилган участкаларда экинларни барвақт экиб олишларига имкон беради.

Аммо, кўп корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида аҳвол яхши эмас. Ўртоқ Ярунин директор бўлган завод ўтган йили ёрдамчи хўжаликдан жуда кам ҳосил олди. Бунинг орқасида завод катта зарар кўрди. Ўтган йилги хатолар бу йил ҳам такрорланмоқда. Заводда ҳозир ҳам план тузиш, экиладиган экинларнинг хилларини белгилаш блан банд бўлмоқдалар. Завод ёрдамчи хўжалигида қунимсизлик авж олиб кетган. Сўнгги олти ой ичида ёрдамчи хўжалик бошлиқлари 5 марта алмаштирилган. Ўртоқ Журавлёв директор бўлган завод ҳузуридаги ёрдамчи хўжаликда кўклам экин ишлари ҳаддан ташқари кечикмоқда. Бу ерда эртанги сабзавот ва резаворлар экишга ҳозиргача киришганлари йўқ. Завод партия ташкилоти ва касаба союз комитети ёрдамчи хўжалик иши блан шуғулланмайдилар. Ўзбекистон Маҳаллий саноат министрлиги, Гўшт-сут саноати министрлиги ва Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида ҳам кўклам дала ишлари оммавий равишда бошлангани йўқ.

Бу ҳол министрликлар ҳузуридаги та'минот бўлимлари ва айрим завод, фабрика партия ҳамда касаба союз ташкилотларининг ишчи, хизматчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш тўғрисида етарли равишда ғамхўрлик қилмаётганликларини кўрсатади.

Ёрдамчи хўжаликларда доимий ишловчи ишчиларга, ишнинг кўзини биладиган қобилиятли хўжалик ходимларига эга бўлиш керак. Партия ва касаба союз ташкилотлари, ёрдамчи хўжаликлар ва та'минот бўлимларининг иши устидан системали равишда назорат қилиб туришлари лозим. Ишчи ва хизматчиларнинг моддий-маиший аҳволини янада яхшилаш тўғрисида, уларнинг турмуши ҳақида ғамхўрлик қилиш—ҳарбир партия ва касаба союз раҳбар ходимининг шарафли бурчидир. Партия ва касаба союз ташкилотлари ёрдамчи хўжаликлар ишини ва якка полизчиликни кенгайтириш ишчи ва хизматчиларнинг актив иштирокига боғлиқ эканлигини унутмасликлари керак. Шунинг учун ҳам оммавий якшанбаликлар уюштириш, ҳарбир ишчи ва хизматчининг ёрдамчи хўжалик ишига муносиб ҳисса қўша олишига эришмоқ керак. Бу нарса ҳозирги пайтда ёрдамчи хўжаликларда кўклам экин кампаниясининг муваффақиятли ўтишини та'минлайди. Ёрдамчи хўжалик иши мавсумий иш эмас. Экинларни парвариш қилиш, ерни ўғитлаш ва ҳосилни ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Ёрдамчи хўжаликларда кўклам экин кампаниясининг муваффақиятли ўтиши ҳосилни оширишнинг гаровидир. Меҳнаткашларга моддий-маиший хизмат кўрсатиш партия, совет ва касаба союз ташкилотларининг энг муқаддас бурчидир.

### ВКП(б) МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ВА ЎзК(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИ МУҲОКАМАСИДА

# *Пленум қарорларини большевикча уюшқоқлик блан бажарайлик*

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ КОЛХОЗЛАРГА ЁРДАМИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Самарқанд область мухбиридан)

24 мартда Самарқанд шаҳар партия ташкилотининг актив йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ЎзК(б)П Самарқанд область ва шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Маҳмудов ВКП(б) Марказий Комитети Пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўғрисида» ва ЎзК(б)П Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажаришда шаҳар партия ташкилотининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Докладчи Самарқанд областида қишлоқ хўжалигининг аҳволи ва ВКП(б) Марказий Комитети пленуми ҳамда ЎзК(б)П Марказий Комитети пленуми қарорларининг бажарилиши, кўклам экишини муваффақиятли ўтказиш чоралари ҳақида гапирди.

Самарқанд области ўтган йилда пахтачилик соҳасида ўз устига олган мажбуриятини бажармади. Давлат олдида кўп миқдорда ғалла, лавлаги, чорвачилик маҳсулотлари қарздор бўлиб қолди. 1946 йилда қолоқ колхозларнинг сони кўпайиб, 204 тага етди. Қишлоқ хўжалик артели уставини бузиш ҳоллари Комсомол, Ургут, Оқдар'ё каби районларда ҳозир ҳам ҳукм сурмоқда.

ВКП(б) Марказий Комитетининг пленуми социалистик саноатнинг қишлоқ хўжалигига берадиган ёрдами программасини белгилади. Самарқанд корхоналари трактор ва қишлоқ хўжалик асбоблари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бериш ва колхозларга ёрдамни кучайтиришлари керак. «Красный двигатель», Кинап заводлари каби илғор корхоналар МТСларга ҳар тарафлама ёрдамлашмоқдалар. Трактор ва қишлоқ хўжалик асбоблари учун хилма-хил қисмлар тайёрлаб бермоқдалар. Броқ, шаҳардаги авто-ремонт устахонаси, пахта заводи, тикув фабрикасига ўхшаш корхона, муассасаларнинг раҳбарлари қишлоқ хўжалигига ёрдам беришдек муҳим ишдан четда қолаётирлар.

Область ва шаҳар партия комитетлари қишлоқ хўжалигига ёрдамни кучайтириш соҳасида бирқанча қарорлар қабул қилдилар. Лекин бу қарорларнинг кўп қисми бажарилмасдан қолди.

Музокарада сўзлаган Самарқанд темир йўл узели партия комитетининг секретари ўртоқ Клевин, темир йўл бўлимида Ленинград корхоналарининг чақириғи асосида социалистик мусобақа кенг ривожланаётганлигини айтди.

Темир йўл ишчилари, инженер-техник ходимлари бракни йўқотиш, иш унумини ошириш учун курашни қизитиб, Тошкент темир йўлида биринчиликни эгалладилар.

Область қишлоқ хўжалик бўлими ёмон ишлаётир. Кўклам экин ишларига оператив раҳбарлик қилмаётир. Бу бошқарма МТС ва колхозларга раҳбарликни кучайтириш ўрнига ма'лумотлар тўплаш блан овора. Актив йиғилиши қатнашчилари ўртоқ Юдиннинг ВКП(б) Марказий Комитети Пленуми қарорлари қандай бажарилаётганини ҳақидаги ахборотини ва амалий таклифларини эшитмоқчи эди. Аммо, ўртоқ Юдин бу тўғрида умумий гаплар блан чегараланди.

«Красный двигатель» заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ Мирасниченко сўзга чиқиб бундай деди:

— Партия ташкилоти ВКП(б) Марказий Комитети Пленуми қарорларини муҳокама қилиб чиқди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар давлат планини ошириб бажариш блан бирга, МТС ва колхозларга ҳар тарафлама ёрдам бериш мажбуриятини ҳам олдилар. Ҳозир бу мажбурият шараф блан бажарилмоқда. 20 мартда запас қисмлар ишлаб чиқариш ойлик плани бажарилди. Пленум қарорларини амалга ошириш блан тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ишлабчиқаришда меҳнат унумини 20 процент оширдик, февраль ойида бракни 20 процент камайтирдик. Таннархини 2,5 процент пасайтирдик. Март ойида 90 минг дона гилка берамиз.

Қишлоқ хўжалик институтининг профессори ўртоқ Кособуцкий илмий муассасаларнинг колхоз қишлоғига ёрдами тўғрисида гапирди.

Қишлоқ хўжалик институти пахта ва бошқа экинлар ҳосилини ошириш соҳасида илмий иш олиб бормоқда.

Боғдорлик илмий-текшириш станциясининг директори Васильев, пиллакашлик фабрикасининг директори Ёрмуҳамедов ЎзК(б)П Боғишамол райкомининг секретари Дибердиев ва бошқа ўртоқлар пленум қарорларини амалга ошириш соҳасида қилинаётган ишлар ҳақида сўзладилар.

Партия активи йиғилиши ВКП(б) Марказий Комитети пленуми қарорларини тўла ма'қуллади, бу қарорларни амалга ошириш чоралари белгиланган қарор қабул қилди.

## Урганч шаҳар партия активи йиғилишида

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Хоразм область мухбири)

25 мартда ЎзК(б)П Урганч шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Партия активи йиғилишида ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда ЎзК(б)П Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари муносабати блан Хоразм партия ташкилотининг вазифалари ҳақида ўртоқ Ф. Носировнинг докладини эшитди ва муҳокама этди.

—ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленумининг тарихий қарори, — деди ўртоқ Носиров,— қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг жанговар программасидир.

ВКП(б) Марказий Комитети пленуми ўз қарорида Хоразмда пахта ҳосилининг камайиб, давлат пахта тайёрлаш плани бажарилмаганлигини қайд қилиб ўтди. Бу — область партия ташкилоти учун жиддий огоҳлантиришдир. Бундан область ва шаҳар партия ташкилотлари тегишли хулоса чиқариб олишлари керак.

Бу йил областьда экин майдони 144 минг 700 гектарга етказилиши, шу жумладан пахта майдонини 85 минг гектар, беда майдонини 36 минг гектарга кенгайтириш, янгидан 30 минг гектар партов ер очиш ҳамда ишга солиш, пахта ҳосилини ошириб, давлатга гектаридан 14 центнердан пахта топшириш керак.

Докладчи ўтган йил Шовот, Янгиариқ, Хива район партия-совет ташкилотлари ва область ер-сув органларининг раҳбарлари жуда ёмон ишлаганликларини, Хоразм область экскаватор станциясининг бошлиғи Артёмов ўртача рақамларга ўралиб қолиб, ишни барбод қилганини танқид қилди.

Доклад юзасидан қизғин музокара бўлди. Музокарада Иброҳимов (пахта заводи партия ташкилотининг секретари), И. Абдуллаев (область соғлиқни сақлаш бўлими партия ташкилотининг секретари), М. Гафт (область партия комитетидан), Припишин («Хорезмская правда» газетасининг муҳаррири), Богушев (область пахта тайёрлаш тресги бошқарувчиси), Саломов (Амудар'ё Чолиш пристанининг бошлиғи), Отажонов (область алоқа бўлимининг бошлиғи), Митянов (область сув хўжалиги бўлими партия ташкилотининг секретари) ва бошқа ўртоқлар гапирдилар.

Область сув хўжалиги бўлимининг бош инженери ўртоқ Митяновнинг сўзи партия активи йиғилиши қатнашчиларини қаноатлантирмади. У, ирригация-мелиорация ишларини яхшилаш тадбирларини айтиш ўрнига, ўзининг ёмон ишлаётганлигини бўлмағур важлар блан оқлашга уринди.

Партия активи йиғилиши ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленуми ва ЎзК(б)П Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини томомила ма'қуллади ҳамда уни қишлоқ хўжалигини тиклаш ва тобора ривожлантириш, колхозларни янада мустаҳкамлаш программаси эканини уқдириб ўтди ва партия ташкилоти олдида турган конкрет вазифаларни белгилаб, қарор қабул қилди.

## СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

### МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МОДДИЙ-МАИШИЙ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИ КЎТАРИШ УЧУН 15 МИЛЛИАРД СЎМ

ВЦСПС секретариати 1947 йил учун давлат социал-страхование бюджетини тасдиқлади. Бюджет ўтган йилгига нисбатан 27,6 процент кўп бўлиб, 14 миллиард 875 миллион сўмни ташкил қилади.

Меҳнаткашларнинг дам олишини ва даволанишини уюштириш учун 1 миллиард 200 миллион сўм пул чиқарилади. Бундан ташқари, касаба союзларига қарашли дам олиш уйлари ва санаторияларни тиклаш, жиҳозлаш ва уларни ремонт қилиш, асбоб-ускуна сотиб олиш учун 285 миллион сўм сарфланади. Кисловодск, Ессентуки, Железноводск, Сочи, Одессада 48 та янги шифохона очилади. Қримдаги «Долосса» санаторияси бу йил кўкламда касалларни қабул қила бошлайди. Хомиладор хотинлар учун Закарпат областида ва Латвияда санаториялар очилади. Бу йил дам олиш уйлари ва санаторияларга бир ярим миллиондан кўпроқ киши юборилади.

Ишчи ва хизматчиларнинг болаларини даволашга ва уларнинг дам олишига кўп э'тибор берилади. Мамлакатнинг энг гўзал жойларида очилган лагерьларга пионерлар ва ўқувчилардан икки миллион бола юборилади. Ёз даврида соғайтириш майдончаларида 200 минг бола дам олади. Бу мақсадлар учун давлат социал-страхование маблағларидан 650 миллион сўм сарфланади, бу—ўтган йилдагидан икки марта кўп. Яна мактабдан ташқари тарбия ишлари учун 75 миллион сўм ажратилади.

Маданият саройлари, клублар, қизил бурчаклар ва спорт иншоотларини тиклаш ремонт қилиш ва жиҳозлаш учун давлат социал-страхование бюджетидан 580 миллион сўм маблағ берилади. Туризм ва альпинизм ишларига 20 миллион сўм сарфланади. Шу йил ёз фаслида Кавказ ва Тён-Шон, Қозоғистон ССР тоғлари орасида альпинистлар учун 12 та та'лим лагери ташкил қилинади. Касаба союзларининг биринчи Бутун Иттифоқ альпиниадасида 1.000 дан ортиқ альпинист қатнашади. (ТАСС).

### ТЎҚИМАЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИ УЧУН ЯНГИ МАШИНАЛАР

Москвадаги илмий-текшириш институтларида ва корхоналарда тўқимачилик саноати учун янги машиналар, чунончи, юқори унумли тўқув станоклари, йигириш машиналари ва бошқа хил асбоб-ускуналар тайёрланмоқда.

### ЛЬВОВДА ЯНГИ ТЕАТР

ЛЬВОВ, (ТАСС). Львовда янги музикали комедия театри очилди. Биринчи куни «Нома'лум 11 киши» деган музикали комедия қўйилди. Янги театрга Украина ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби В. Скляренко раҳбарлик қилмоқда.

Томошабинлар театрнинг биринчи постановкасини самимий қарши олдилар.

### ҚИШЛОҚЛАРДА 500 ТА ЯНГИ МАГАЗИН

МИНСК, (ТАСС). Белоруссия матлубот кооперацияси кўклам экиш даврида колхозчилар ва якка деҳқонларга хизмат қилиш учун тайёрланмоқда. Матлубот кооперацияси қишлоқларга 400 миллион сўмлик деҳқончилик машиналари, асбоб ускуналар, от анжомлари ва саноат моллари юборади.

Яна 500 дан ортиқ магазин очилади. Республиканинг узоқ районларидаги ғаллакорларга 1.020 та кўчма дўкон хизмат қилади.

Белокоопсоюз колхоз ошхоналари учун ошхона асбоблари ва идиш-товоқлар юборди.

### ТУЗ КОНИ ТИКЛАНДИ

АРТЕМОВСК (ДОНБАСС), (ТАСС). «Артемсоль» трестига қарашли Свердлов номидаги туз кони тикланди ва ишга туширилди. Тиклаш вақтида кон ичидан 45 минг кубометр сув чиқариб ташланди.

Карл Либкнехт номидаги 3-нчи туз конининг биринчи навбати шу йил ишга туширилади. Бу кон мамлакатимиздаги энг йирик конлардан бири ҳисобланади.

### АВСТРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Ташқи Ишлар Министри К. Грубер жаноблари бошчилигидаги Австрия делегацияси 26 мартда Москвага келди. Делегация мустақил ва демократик Австрияни тиклаш ҳақидаги шартномага доир масалалар юзасидан Ташқи Ишлар Министрлари кенгаши блан маслаҳатлашади.

## ВКП(б) МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

**Бутун Иттифоқ Коммунист (большевик)лар Партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети большевиклар партиясининг садоқатли фарзанди, Совет Армиясининг отоқли раҳбарларидан бири — СССР Қуролли Кучлари Бронетанк ва Механикалаштирилган қўшинларининг қўмондони, бронетанк қўшинлари Маршали, СССР Олий Совети депутати Яков Николаевич ФЕДОРЕНКОНИНГ узоқ вақт давом этган оғир касалликдан кейин 1947 йил 26 мартда вафот этганлигини чуқур қайғи блан билдирадилар.**

## ССР ИТТИФОҚИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МИНИСТРЛИГИДАН

ССР Иттифоқи Қуролли Кучлари Министрлиги ССР Иттифоқи Қуролли Кучлари Бронетанк ва Механикалаштирилган Қўшинлар қўмондони, бронетанк қўшинлари Маршали Яков Николаевич Федоренконинг узоқ вақт давом этган оғир касалликдан кейин 26 мартда вафот этганлигини чуқур қайғи блан билдиради.

СССР Қуролли Кучлари бронетанк ва механикалаштирилган қўшинларнинг отоқли ва энг кекса ташкилотчилари ҳамда раҳбарларидан бири бўлмиш ўртоқ Федоренкодан жудо бўлди.

## ЧОРЖЎЙ БЛАН ТОШСОҚА ЎРТАСИДА ЯНГИ ТЕМИРЙЎЛ

ССР Иттифоқи Министрлар Совети Чоржўй блан Тошсоқа ўртасида темир йўл қуриш ҳақида қарор чиқарди. Бу темир йўл Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР районларини Ўзбекистоннинг марказий районлари блан боғлайди. СССР Йўллар министрлиги шу қарорни амалга ошириш юзасидан янги темир йўл қуриладиган жойда текшириш ишлари ўтказиш ва бу йўлни лойиҳалаш учун экспедиция ташкил қилди. Экспедиция бошлиғи ўртоқ А. В. Потолов яқинда Тошкентга келди.

Ўртоқ Потолов ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— 50 мутахассисдан иборат экспедиция яқин кунларда иш жойига жўнайди. Экспедиция составида тадқиқотчилар, геологлар, темир йўл иншоотларини лойиҳаловчи ходимлар бор.

Биринчи навбатда қуриладиган янги темир йўл Чоржўй шаҳридан бошланиб, Амудар'ёнинг чап қирғоғи бўйлаб Дарғонота, Питнак, Урганч, Хўжайли шаҳарлари орқали ўтади.

Тўртта геология ва қидириш гуруҳи тузилди. Бу гуруҳлар қидириш ва лойиҳалаш юзасидан бўлган асосий ишларни қисқа муддатда, я'ни 15 июньгача тамомлашлари керак, токи темир йўл қурувчилар тупроқ ётқизиш ишларига шу йилдаёқ кириша олсин.

## Биз кўклам экиш ишларини қандай уюштирдик

Колхозчиларимиз ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленумининг қарори ва республика пахтакорлари IV қурултойи қатнашчиларининг ўртоқ Сталинга ёзган мактубини ғоят баланд руҳ блан муҳокама қилиб, ўз устларига янги мажбуриятлар олдилар. Бу тарихий ҳужжатларни муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда колхоздаги звенолардан 14 таси юзцентнерчилик ҳаракатига қўшилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан ўз устларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Колхозчиларимиз 220 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 35 центнер пахта беришга қарор қилдилар.

Колхоз правленияси бу катта вазифани бажариш мақсадида бирмунча ташкилий чоралар кўрди. Пахтачилик ишида кўп йиллик тажрибага эга бўлиб, сўнгги вақтда бошқа ишларга ўтиб кетган кишилар яна пахтачилик ишига қайтарилди. Коммунист ўртоқ Насриддинов, кетманчи коммунист Файзуллаев звено бошлиғи қилиб тайинланди. Ма'мурий хўжалик ишларида ишлаётган кишиларнинг 30 процентни дала ишларига чиқарилди.

Ўтган йил бизда бирнеча звено пахта тайёрлаш планини бажармаган эди. Колхоз правленияси бу йил ана шундай қолоқ звенолар бўлмаслиги учун алоҳида э'тибор қилмоқда. Ер ҳайдаш, далага гўнг чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларида орқада қолаётган бригада, звеноларга алоҳида ёрдам уюштирилди. Колхознинг правления а'золари қолоқ участкаларга беркитилиб, улар қолоқликни тугатиш учун колхозчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар ва социалистик мусобақани қизитмоқдалар.

Пахта ерларимизни ўғитлаш учун бу йил давлатдан 80 тонна минерал ўғит олишимиз керак эди. Шундан 50 тоннасини ташиб олдик. Планга мувофиқ баҳорда далага 6 минг тонна маҳаллий ўғит чиқаришимиз лозим эди. Бу планни ҳозир бажардик. Шундай бўлса ҳам, далага гўнг чиқаришни тўхтовсиз давом эттирмоқдамиз.

Биз ҳайдалган ерларни молалаш, трактор юриши қийин бўлган кичик ер карталарини ҳайдаш ишларини от-улов кучлари блан ўтказаётирмиз. Колхозимиздаги от-уловнинг кўпчилик қисми ана шу ишларга сафарбар этилган. Қўшчиларимизнинг ҳалол ишлаши натижасида кунлик ер ҳайдаш ва мола босиш топшириғи 120—160 процентгача бажарилмоқда.

Тракторчиларимизнинг яхши ишлаши туфайли трактор блан ер ҳайдаш графиги ҳам ортиғи блан бажарилаётир. Тракторчи ўртоқ Ҳасан Толипов ўз шериги блан кунига 5 гектар ўрнига 8—9 гектар ер ҳайдамоқда. У ҳозиргача колхознинг 140 гектар ерини яхши сифатли қилиб икки марта ҳайдади. 80 гектар ер эса от-улов кучлари блан икки-уч марта чуқур ҳайдалди.

15 мартдан чигит экишга киришдик. Экиш пухта тайёрлик блан бошланди. Сеялкаларнинг ҳаммаси яхши ремонт қилинди. Чигит сараланди. Бу эса экиш учун белгиланган кунлик графикнинг ортиғи блан бажарилишини та'минламоқда. Чигит яхши сифатли қилиб ҳайдалган ерларга экилмоқда. Бу ишда катта тажрибага эга бўлган кишилар бевосита қатнашмоқда. Биз чигит экишни биринчи апрельгача тамомлаймиз.

ВКП(б) Марказий Комитети пленумининг қарори ва ўртоқ Сталинга ёзилган мактубдан руҳланган колхозчиларимиз кўклам экиш кампаниясини ҳартарафлама муваффақиятли ўтказиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан ўз устларига олган мажбуриятни сўзсиз бажарадилар.

**Ёдгор БУРҲОНОВ.**

Бухоро области, Шофриқон районидаги Сталин номли колхознинг раиси.

# И. В. Сталин Асарларининг тўртинчи томи

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси инсоният тарихида янги давр очди. Большевиклар партияси олдида ғоят қийин вазифа пайдо бўлди — Советлар ҳокимиятини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаш, ташқи ва ички душманларнинг зарбаларини даф' қилиш ва мамлакатни социалистик негизда қайтадан қуриш учун керакли шароитни вужудга келтириш керак эди.

Бутун дун'ёдаги ва мамлакат ичкарисидаги барча аксилинқилобий кучлар ёш совет республикасига ҳужум қилдилар. Ўнтўртта капиталистик давлат ишчи ва деҳқонларга революция берган озодликни йўқ қилиш ва Ватанимизни яна асоратга солиш учун уриниб кўрди. Мамлакатнинг тўртдан уч қисми ажнабий босқинчилар қўлига тушиб қолди. Совет давлатининг Қизил Армияси ҳали йўқ эди, Қизил Армия эндигина тузилмоқда эди. Мамлакатда ғалла, ярог-аслаҳа, кийим-кечак етишмас эди. Буржуа-помешчиклар орасидан чиққан оқгвардиячилар буржуа-помешчиклар тузумини яна тиклаш мақсадида жуда кўп ис'ён ва фитна уюштирдилар. Синфий кураш ғоят кескин тус олди.

И. В. Сталин Асарларининг босилиб чиққан тўртинчи томи совет давлатининг тарихидаги ана шу жиддий ва улуғ давр (1917 йил ноябрь — 1920 йил)га доир асарларни ўз ичига олади. И. В. Сталин Асарларининг тўртинчи томидаги асарлар большевиклар партиясининг совет давлатини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш, қуролли кучларни тузиш ва социалистик ватанни ҳимоя қилиш, миллий совет республикаларини ташкил қилиш соҳасидаги буюк тарихий тажрибасини кўрсатиб беради. Бу асарлар партиянинг хўжалик ва маданият соҳасида амалга оширган буюк ижодий ишларини кўрсатади.

И. В. Сталин Асарларининг тўртинчи томи марксизм-ленинизм улуғ ғояларининг совет революцияси давомида омманинг онгига нақадар сингиб борганлигини, қай хилда юксалиб, ривожланганлигини, бу ғоялар моддий кучга айланиб, большевиклар партиясининг сиёсати натижасида амалий суратда қандай юзага чиққанлигини кўрсатади.

Ўртоқ Сталин ўша йилларда улуғ Ленин блан яқиндан ҳамкорлик қилиб совет давлати ва большевиклар партиясининг ишларига етакчилик қилди. Қизил Армия эришган энг муҳим ғалабаларнинг бевосита илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган И. В. Сталин душманларнинг стратегия планларини яхши билиб олиб, бу планларни ҳамда душманларнинг ҳарбий «фани» ва «сан'ати»ни чиппакка чиқарди. Сталин чет эл интервентларига ва оқгвардиячиларга қарши кураш давомида, Қизил Армиянинг қат'ий аҳамиятга эга бўлган ҳарбий операцияларига раҳбарлик қилиб, совет ҳарбий фанига асос қўйди ва революциянинг душманлари устидан ғалаба қозонишни та'мин этган энг муҳим стратегия планларини яратди.

Ўртоқ Сталин асарларида большевиклар партиясининг социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган курашидаги етакчилик ва ташкилотчилик роли баён қилинади, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида партиянинг ва кўп миллионли халқ оммасининг фаолияти чуқур суратда умумлаштириб кўрсатилади, совет тузуми барпо қилинаётган даврда жамият тараққиётининг қонунлари очиқ кўрсатиб берилади.

## I.

1917 йил — 1920 йиллар даврида Лениннинг социалистик революция тўғрисидаги доҳиёна назарияси биринчи марта буюк тарихий синовдан ўтди. Ўртоқ Сталиннинг тўртинчи томда босилган асарлари Россияда социализмнинг ғалаба қилиши мумкинлигига буюк ишончни ифода қилади, бу асарларда социалистик қурилишнинг бирқатор энг муҳим масалалари батафсил баён қилинган. Бу асарда И. В. Сталиннинг совет давлатини ва совет ижтимоий тузумини барпо қилиш соҳасида қилган ғоят катта назарий ва амалий ишлари акс эттирилади.

Ўртоқ Сталин ленинизмни изчиллик блан ҳимоя қилиб, Октябрь хоинларини, социалистик революциянинг ғалаба қозониши мумкин эканлигига ишончсизликдан иборат заҳарли уруғни сочган троцкийчи таслимчиларни тўхтовсиз фош этди. Ўртоқ Сталин Дон ва Кавказдаги коммунист ташкилотларнинг Владикавказ шаҳрида бўлиб ўтган ўлка кенгашида қилган докладида Россияда социализмнинг ғалаба қозониши мумкин эмаслиги тўғрисидаги ана шундай фикрларнинг душманга таслим бўлишдан иборат моҳиятини очиб берди. Ўртоқ Сталин бундай деди: «Социалистик революция капитализм қолоқ бўлган мамлакатда бошланибгина қолмай, балки муваффақиятли суратда батамом қурилиши ҳам, капитализм тараққий этган мамлакатлар учун намуна бўлиб, илгарилаб бориши ҳам мумкин экан. (375-нчи бет).

Социализм ғалабаси йўлидаги бу тарихий курашнинг муваффақият қозониши даставвал ишчилар синфининг деҳқонлар блан иттифоқ бўлиб, большевиклар партияси раҳбарлиги остида пролетариат диктатурасининг мустаҳкам органларини туза олишига ва демократиянинг олий шакли бўлган совет давлатини мустаҳкамлай олишига боғлиқ эди.

Янги тузум эски тузумга қарши кескин синфий курашда вужудга келди. Ленин ўзининг «Давлат ва революция» номли доҳиёна асарида эски давлат аппаратини тор-мор келтириш ва янги совет аппаратини қуриш программасини тузиб берди. Большевиклар партияси бу программани изчиллик блан амалга оширди, Ленин ва Сталин меҳнаткашлар оммасининг янги, социалистик давлат қуриш соҳасидаги курашига етакчилик қилдилар.

Ўртоқ Сталин тўртинчи томга кирган асарларида, чунончи: «Давлат Контролини қайтадан тузиш тўғрисида», «РКИ (Ишчи-деҳқон тафтиш назорати) мас'ул ходимларининг I Бутун Россия кенгашини очиш вақтида сўзланган нутқ», «Республиканинг сиёсий аҳволи тўғрисида» «Пролетариат диктатурасининг уч йили» ва шу сингари асарларида Лениннинг пролетариат диктатураси тўғрисидаги та'лимотини чуқур асослаб берди, совет давлати тўғрисидаги назарияни ривожлантирди ва янги, инқилобий тажриба блан бойитди.

Ўртоқ Сталин Маркснинг ғолиб пролетариатнинг буржуа давлат аппаратига муносабати тўғрисидаги назарий фикрларига асосланиб, пролетариат диктатураси тараққиётининг Октябрьдан тортиб Учредительное собрание (Та'сис этучи мажлис) тарқатиб юборилишигача ўтган биринчи даврининг якунларини тўплади, совет ҳокимиятининг дастлабки уч ойи ичида большевиклар томонидан бажарилган катта ишларни кенг суратда умумлаштириб берди.

«Буржуа давлатининг биринчи ва энг муҳим аппарати, я'ни эски армия ва унинг генераллари йўқ қилинди...

Сўнгра, буржуазия қўлида бўлган худди шундай муҳим аппарат—чиновниклар аппарати, буржуа ма'мурияти аппарати йўқ қилинди.

Мамлакат хўжалигини идора қилиш соҳасидаги энг муҳим чора—буржуазия хўжалигининг асосий қон томири бўлган банкларни буржуазия қўлидан тортиб олиш эди. Банклар буржуазия қўлидан тортиб олинди ва буржуазия ўз жонидан маҳрум этилгандай бўлиб қолди. Шундан кейин хўжалик ҳаётининг эски аппаратларини йўқ қилиш ва буржуазияни экспроприатция қилиш, я'ни буржуазия қўлидаги фабрика ва заводларни тортиб олиш ва буларни ишчилар синфи қўлига топшириш ишлари давом этди. Ниҳоят, озиқ-овқат соҳасида иш кўрган эски аппаратлар йўқ қилинди ва ғаллани йиғиб, аҳоли ўртасида тақсим қилаоладиган янги аппаратлар тузишга ҳаракат қилинди. Провардида Та'сис қилучи мажлис тарқатиб юборилади» (384—385-нчи бетлар).

Ўртоқ Сталин ўзининг бирқатор мақолалари ва нутқларида совет демократиясининг чинакам халқ демократияси эканлигини баён қилади, совет давлат системасининг хусусиятларини кўрсатиб беради. Совет давлат системасининг буржуазия демократиясидан фарқи шундаки, совет давлат системасида халқ овоз берувчилар ва ҳукмронлик қилучилар деб икки қисмга ажратилмайди. Ўртоқ Сталин 1918 йил январь ойида Советларнинг III қурултойида бундай деган эди: «Биз, ишчи вакиллари халқнинг овоз бериш блангина қолмай, балки ҳукмрон бўлишига ҳам эришмоғимиз керак» (37-нчи бет). Ўртоқ Сталин меҳнаткашларнинг давлатни идора қилишда тобора кенг қатнашишлари зарур эканлигини зўр бериб та'кидлайди.

Ўртоқ Сталин ишчи-деҳқон тафтиш назорати ходимларининг 1920 йил октябрь ойида бўлиб ўтган кенгашида бундай деди: «Амалда давлатнинг ижроия аппаратларини қўлга олган ва бу аппаратларга раҳбарлик қилаётган кишилар мамлакатни ҳақиқатан ҳам идора қилмоқдалар» (366-нчи бет).

Ўртоқ Сталин совет давлати қурила бошлаган биринчи кунларданоқ пролетариат диктатурасининг моддий негизини вужудга келтириш ғоят катта, ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Ўртоқ Сталин Октябрь революциясининг уч йиллиги муносабати блан Боку Советининг тантанали мажлисида қилган докладида граждан уруши шароитида янги, социалистик экономикани вужудга келтириш хусусиятларини кўрсатиб берди.

«Биринчидан, бизга уруш ўти ичида қуришга тўғри келди. Бир қўли блан бино ясаб, иккинчи қўли блан ўзи қураётган бинони ҳимоя қилган ғишт терувчини кўз олдингизга келтирингиз.

Иккинчидан, биз буржуа хўжалигини қурганимиз йўқ, буржуа хўжалигида ҳарбир киши ўзининг хусусий манфаатларини кўзда тутиб, умуман давлат тўғрисида ғам емайди, бутун давлат миқ'ёсида хўжаликни планли суратда уюштириш масаласи блан шуғулланмайди. Йўқ, биз социалистик жамият қурдик. Бу демак, умуман бутун жамиятнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниши лозим, хўжалик умум Россия миқ'ёсида планли ва онгли суратда уюштирилиши керак демакдир. Бу вазифанинг ғоят мураккаб ва қийин эканлигига шубҳа йўқ (390-нчи бет).

Ўртоқ Сталин Ленин блан биргаликда ёш совет давлатини вужудга келтириб, совет тузумининг буюк тарихий истиқболини ва унинг асло енгилмас кучини олдиндан кўриб билди: «...Россияда ғоят улуғ социалистик халқ давлати юксалмоқда. Бу давлат ўзига озор етишига йўл қўймайди» (389-нчи бет).

Бизнинг мамлакатимиз ҳақиқатан ҳам қудратли социалистик давлат бўлиб қолди, катта ва кичик халқларнинг тинчлиги ва осойишталигини, озодлиги ва мустақиллигини та'минлайдиган мустаҳкам таянч бўлиб қолди. Бизнинг мамлакатимиз ўз тараққиётининг ўттиз йилдан иборат бир даврида ўзининг яшашга қобил бўлган буюк кучини бутун дун'ёга кўп марта намойиш қилиб кўрсатди, «ўзига озор етишига йўл қўймаслиги»ни кўп марта кўрсатди.

## II.

Граждан уруши ва интервенция йилларида миллий масала жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Илгариги Россия империясининг халқлари кимларга эргашиб боради—миллий буржуазияга эргашиб борадими ёки ишчилар синфига, совет ҳокимиятига эргашиб борадими, деган масала совет республикаси учун ҳаёт-мамот масаласи эди. Сталин бу даврда партиянинг миллий масала соҳасидаги назариётчиси бўлибгина қолмади. Сталин совет ҳукумати тузилган биринчи кунларданоқ тортиб 1923 йилгача миллий ишлар халқ комиссари бўлди. У, СССРда миллий масалани ҳал этиш соҳасида партия ва совет ҳокимиятининг амалга оширган ҳамма ишларига бевосита раҳбарлик қилди.

Кўп миллатли давлат бўлмиш Россия Октябрь революцияси арафасида тарқалиб кетмоқда эди. Чекка ўлкалардаги миллий буржуа ҳукуматлар марказда кучайиб борган социалистик революциядан қўрқишиб, Россиядан ажралиб чиқишга уриндилар. Бунинг устига улар империалист давлатларнинг Советларга қарши олиб борган курашида бу давлатлар учун бир қурол бўлдилар. Ўртоқ Сталин «Ҳукуматнинг миллий масаладаги сиёсати» деган мақоласида бундай деб ёзди: Империалистлар «илгариги Россиянинг тарқалиб кетишига умид боғлаб, найранг ишлатиб чекка ўлкалардаги ҳукуматларни марказга қарши курашиш учун зарур бўлган ҳамма нарса блан мўл-кўл та'минлатилар, ба'зи жойларда чекка ўлкаларни босиб олдилар ва умуман Россиянинг узил-кесил тарқалиб кетишига ёрдам бердилар».

Аммо, Улуғ Октябрь революцияси янада кучлироқ бошқа майилларни ҳам вужудга келтирди. Ўртоқ Сталин айтадики, Россиянинг миллий ўлкаларида «...рус пролетариатига ғоят яқинлашиш ва унинг давлат қурилиши шаклларига ғоят яқинлашиш ҳаракати пайдо бўлди. Чекка ўлкалардаги ҳукуматларнинг ажралиб чиқиш йўлидаги уринишлари бу ҳаракат олдида ожиздир» (226-нчи бет).

Фақат социализмгина кўп миллатли Россияни тарқалиб кетиш ва бутунлай ҳалок бўлишдан қутқазиб қолаолди. Буржуазиянинг ажралиб чиқиш ҳаракати кучайган бир шароитда миллатларнинг то алоҳида давлат бўлиб ажралиб чиқишигача ўз тақдирларини ўзлари белгилаш сиёсатини э'лон қилмоқ учун большевиклар партияси йўлбошчиларига хос даҳолик ва доҳиёна башорат бўлиши керак эди. Ленин ва Сталин «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси» каби тарихий декларацияда миллатларнинг то алоҳида давлат бўлиб ажралиб чиқишгача ўз тақдирларини ўзлари белгилаш сиёсатини э'лон қилдилар.

Совет революциясининг тараққиёти ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг тўғри сиёсат эканлигини тасдиқлади. Ўртоқ Сталин бундай деб ёзди: «Шундай қилиб, Россия халқлари империалистик асосдаги эски бирликнинг тарқалишидан мустақил совет республикалари орқали эркин асосдаги янги қардошларча бирлик сари бормоқдалар» (229-нчи бет).

Шундай бирликни барпо қилиш осон иш эмас эди. Бунинг учун даставвал чекка ўлкалардаги миллатчи аксилинқилобчиларни тор-мор келтириш ва империалистларнинг марказий Россия атрофида буржуа-помешчик «миллий» ҳукуматларини вужудга келтиришдан иборат планларига зарба бериш керак эди. Большевиклар партияси миллатчи аксилинқилобчиларга қарши кескин кураш олиб бора бошлади.

Ўртоқ Сталиннинг миллий масала ҳақида ёзган ҳамма асарларида миллий масалада буржуазия маслаги блан пролетариат маслаги, я'ни миллатчилик блан интернационализм бир-бирига тамомила зид эканлиги очиқ-равшан кўрсатилади.

Ашаддий миллатчилар — Петлюра Винниченко ва Грушевскийлар етакчилигидаги Украина Марказий Радаси миллатчи аксилинқилобчиларнинг таянчларидан бири бўлди. Ўртоқ Сталин «Мамлакат ичкарисидаги ва фронтдаги украин ўртоқларга жавоб», «Украина Радаси тўғрисида», «Украина Радаси нима?», «Киевдаги буржуа Радаси тўғрисида» ва шу сингари мавзу'ларда ёзган мақолалари ҳамда сўзлаган нутқларида Марказий Радани, Украина миллатчиларини фош қилади.

Украина Радаси Дондаги Каледин шайкалари блан бирлашди, аксилинқилобчилар қароргоҳига ёрдам қўлини чўзди. Закавказье ва Ўрта Осиёдаги советларга қарши кучлар блан музокара бошлади. Англия ва Франциянинг ҳарбий миссиялари Радани қўллаб-қувватлар эди. Ўртоқ Сталин буржуа миллатчиларнинг империалист давлатлар агенти эканлигини фош қилади, илгари эзилган халқларнинг меҳнаткашлар оммасига совет ҳокимияти негизидагина миллий жиҳатдан эркин тараққий этишлари мумкин эканлигини яхши тушуниб олишларига ёрдам беради.

Доҳий Ленин ва Сталин миллий масалани ҳал этишнинг амалий шаклини топдилар. Бу шакл миллий совет автономияси, совет федерациясидан иборат эди. Ўртоқ Сталиннинг «Россия Федератив Республикасини уюштириш», «Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси Конституциясининг умумий низомлари» номли асарларида ва Советларнинг III қурултойида, Татаристон-Бошқирдистон совет республикасини та'сис этучи қурултойни чақириш юзасидан ўтказилган кенгашда сўзлаган нутқларида И. В. Сталин Совет Федерацияси, совет автономияси назарияси ва амалиётига доир асосий масалаларни кенг суратда баён қилади. Ўртоқ Сталин «Марксизм ва миллий масала» номли классик асарида назарий асосларни белгилаган эди. Ана шу назарий асослар Миллатлар иши халқ комиссарлигининг фаолиятида батамом амалга ошди.

Ўртоқ Сталин советларнинг III Бутун Россия қурултойида қабул қилинган совет Конституциясининг асосларини чизиб берди. Федерал муассасалар тўғрисида ўртоқ Сталин томонидан ёзилган резолюцияда бундай дейилган: «Россия Социалистик Совет Республикаси Россия халқларининг ихтиёрий иттифоқи асосида, мазкур халқларнинг Совет Республикалари федерацияси сифатида тузилади» (32-нчи бет).

Большевиклар партияси миллий областьларда совет автономиясини тузиш чорасини мазкур областьларда миллий совет давлатчилиги, социалистик миллий маданиятни ривожлантириш чораси сифатида илгари сурди. Сталин Терек области халқларининг қурултойига мурожаат қилиб бундай деди: «Автономия сизларни мустақил яшашга ўргатиши керак, — автономиянинг мақсади шу» (406-нчи бет).

Большевиклар партияси миллий автономия деган сўзни ҳокимиятнинг маҳаллий органларини, маҳаллий мактабларни, маҳаллий судни, маҳаллий ма'муриятни, маҳаллий ижтимоий-сиёсий ва оқартириш муассасаларини ташкил этиш ва барча ижтимоий-сиёсий ишларда ўлкадаги меҳнаткашлар оммасининг ўз она тилида иш кўриш ҳуқуқларини тўла та'минлаш ма'носида тушинди.

Совет автоном миллий областьлари ва республикаларининг тузилиши ҳамда мустаҳкамланиши халқлар ўртасидаги ишончсизликни тугатишда, ягона совет давлати доирасида улар ўртасидаги ҳамкорлик руҳини кучайтиришда керак бўлган бирдан-бир восита эди.

Украинада, Белоруссияда, Болтиқ бўйи мамлакатларида, Ўрта Осиёда ва бошқа миллий районлардаги ишчи ва деҳқонлар Советлар ҳокимияти учун курашиб марказдаги социалистик революцияга мадад бердилар. Поёнсиз Россия тупроғида совет ҳокимиятининг тез ёйилиб, қарор топганига фақат шуни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Асарларнинг тўртинчи томига кирган мақолаларда, чунончи «Октябрь инқилоби ва миллий масала», «Ҳукуматнинг миллий масаладаги сиёсати», «Совет ҳокимиятининг Россияда миллий масала юзасидан тутган сиёсати» деган мақолаларда жуда кўп янги тарихий материаллар асосида ва Совет давлатининг дастлабки йилларида тўпланган тажрибаларни умумлаштириш асосида миллий масала юзасидан ленинча-сталинча назария янада ривожлантирилди.

И. В. Сталиннинг 1917—1920 йиллар даврида ёзган асарлари большевиклар партиясининг Украинада ва Арманистонда, Белоруссияда ва Шимолий Кавказда, Татаристон, Бошқирдистон ва Озарбайжонда, Болтиқ бўйи мамлакатларида ва Туркистонда миллий совет давлатларини ривожлантириш учун олиб борган курашини бизга яққол кўрсатиб беради. Шу тарзда катта иш қилинмаганида, дун'ёда яшашга энг қобил, энг мустаҳкам кўп миллатли давлат бўлмиш Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тузиш мумкин бўлмас эди.

Ўртоқ Сталин Россияда миллий масаланинг ҳал этилиши ҳалқаро аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Ўртоқ Сталин бундай деб ёзди: Октябрь революцияси «миллий масаланинг доирасини кенгайтирди, уни Европадаги миллий зулмга қарши кураш тўғрисидаги хусусий масаладан мазлум халқларни, мустамлакаларни ва ярим мустамлакаларни империализмдан озод қилиш тўғрисидаги умумий масалага айлантирди» (166-нчи бет).

Ўтган ўттиз йил мобайнида бу кураш янада кенгайиб, яхши натижалар берди. Империалистлар зулми остида эзилган мустамлака ва ярим мустамлакаларнинг мазлум халқлари қаттиқ ва шиддатли курашда мустақил бўлишга, миллат сифатида эркин тараққий этишга ҳаракат қилмоқдалар.

## III.

Большевиклар партияси, Ленин ва Сталин интервентларга ва оқгвардиячиларга қарши уруш бошланган чоқдаёқ бу урушни совет халқининг ажнабий империалистларга, интервентларга ва уларнинг малайлари бўлмиш оқгвардиячиларга қарши олиб борган ватан уруши деб атадилар. Ўртоқ Сталин «Украина узели» деган мақоласида қуйидагиларни ёзди: «Совет Украинаси ғарбдан келаётган ажнабийлар истибдодига қарши озодлик йўлидаги ватан урушига отланмоқда, — Украинада бўлаётган воқиаларнинг ма'носи шу» (47-нчи бет).

Немислар Шарқий ва Ғарбий фронтларда мағлубиятга учрадилар. Ўша вақтда Антанта империалистлари Совет Республикасига қарши интервенция бошладилар. Ленин ва Сталин ажнабий интервентларга ва оқгвардиячиларга қарши олиб борилган курашни совет халқининг Англия, Франция, Америка ва Япония империалистларига қарши озодлик йўлидаги ватан уруши деб атадилар. Сталин ўз асарларида Колчак, Деникин, Врангель, оқ поляклар Антанта томонидан, унинг сиёсатчилари, генераллари томонидан уюштирилган, та'минланаётган ва раҳбарлик қилинаётган армиялардир, деб уқдириб ўтади.

Интервентларга ва оқгвардиячиларга қарши олиб борилган уруш шароитида ёш совет давлатининг экономикаси ва сиёсати душманни тор-мор келтириш вазифаларига бўйсундирилди. Партия ва унинг йўлбошчилари Ленин блан Сталин ўз ишларида ҳарбий масалаларга, чунончи ажнабий империалистларни ва оқгвардиячиларни тор-мор келтириш учун республиканинг қуролли кучларини уюштиришга кўпроқ э'тибор қилдилар. 1917—1920 йилларда кучайиб кетган буюк кураш давомида совет революцияси илғор ҳарбий фан блан қуролланган янги хилдаги саркардаларни етиштириши керак эди ва ҳақиқатан ҳам етиштирди. «Граждан уруши вақтида, — деб ёзади ўртоқ Сталин, — Ленин бизлардан, ўша вақтда Марказий Комитетдаги ҳали ёш ўртоқлардан «ҳарбий ишни батафсил ва пухта ўрганиш»ни талаб этди» («Ўртоқ Сталиннинг ўртоқ Разин мактубига жавоби», («Большевик» № 3. 1947 йил).

Сталин граждан уруши йилларида мамлакат мудофаасини уюштириш ва раҳбарлик қилишда Лениннинг асосий таянчи бўлди. Партия Лениннинг кўрсатмасига мувофиқ ўртоқ Сталинни революция учун энг қат'ий аҳамиятга эга бўлган, энг хавфли фронтларга юборди. Сталиннинг темир иродаси ва стратегик гениййси ҳамма ердаги уруш ҳаракатларида Қизил Армия фойдасига кескин бурилиш ясалишини та'минлади. Сталин Қизил Армия эришган энг муҳим ғалабаларнинг бевосита илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди.

И. В. Сталин Асарларининг тўртинчи томидаги мақолаларда («Россиянинг Жанубий тўғрисида», «1918 йил декабрь ойида Пермнинг қўлдан кетиш сабаблари тўғрисида партия Марказий Комитети ва Мудофаа Совети Комиссиясининг ўртоқ Ленинга топширган ҳисоботи», «Жанубдаги ҳарбий аҳволга доир», В. И. Ленинга Царициндан, Жанубий фронтдан ёзилган мактублар) большевиклар партиясининг душманни тор-мор келтириш йўлида олиб борган қаҳрамонона кураши гавдаланади ва совет ҳарбий фани, совет ҳарбий мафкурасининг негизлари белгилаб берилади.

Ленин 1918 йилнинг ёз фаслида Россиянинг жанубида озиқ-овқат тайёрлаш соҳасидаги ишларни уюштириш учун ўртоқ Сталинни Царицинга юборди. Ўртоқ Сталин Царициндан берган биринчи хабарларидаёқ: «Озиқ-овқат масаласи табиий ҳарбий масала блан боғланган» (120—121-нчи бетлар) деб та'кидлайди.

Сталиннинг саркардалик гениййси Россиянинг жанубида қизиб кетган жангларда Царициннинг стратегия жиҳатидан қандай аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиб берди. Сталин Царициндан юборган мактублари ва телеграммаларида 1918 йилда Волга қирғоқларида қизиб кетган жанглар вақтида ташқи ва ички вазиятни ҳарбий-сиёсий жиҳатдан чуқур таҳлил этди. Аксилинқилобчиларнинг Дондан тортиб чехословакларгача ягона фронт вужудга келтириш йўлидаги уринишлари тўғрисида гапириб, ўртоқ Сталин Россия марказий районларининг тамомила муҳосарада қолиш хавфи туғилганлигини ва шу блан бирга немисларнинг ҳамда Антантанинг бирлашиш эҳтимоли борлигини та'кидлади. Немислар совет республикасига қарши курашда Красновга, Антанта эса чехословакларга мадад бериб турар эди. 1918 йил куз фаслида, Ғарбий фронтда Германиянинг енгилиши аниқ бўлиб қолганида, ана шу кучларнинг бирлашуви учун ҳақиқий имконият бор эди. Жанубдаги ва шарқий-жанубдаги аксилинқилоб бирлашган ва Царицин қўлдан кетган тақдирда интервентларнинг Москвага ҳужум қилиши учун йўл очилган бўлур эди.

Ўртоқ Сталин ўз хатларида Шимолий Кавказнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатиб берди. Ўша вақтда Шимолий Кавказда миллий-озодлик ҳаракати ғоят кучайиб кетган эди ва бу ерда талайгина совет қўшинлари бор эди.

Ўртоқ Сталин Царициннинг аҳамияти ҳақида гапириб, Царицин марказий районларни жануб блан, я'ни ғалла, нефть, тошкўмир, чорва моллари, балиқ олинадиган манба'лар блан боғлайдиган асосий жой деб кўрсатди.

Сталиннинг мустаҳкам иродаси ва закавати Царицинни сақлаб қолди, Антантанинг жанубдаги ва шарқий-жанубдаги аксилинқилобни бирлаштириш йўлидаги планларини барбод этди, оқларнинг Москвага ёриб ўтишига йўл қўймади.

Большевиклар буржуа армияларидаги «ҳарбий мутахассислар»га қараганда шу жиҳатдан устун эдиларки, большевиклар урушга доир ҳамма масалаларни марксизм-ленинизм назариясининг мустаҳкам негизига асосланиб ҳал этардилар.

Тўртинчи томдаги асарларда совет ҳарбий фанининг хусусиятлари баён қилинади. Сталин граждан уруши йилларидаёқ совет ҳарбий фанининг асосларини яратган эди. Бу фан тобора юксалди ва Улуғ Ватан уруши даврида доим ғалаба келтирувчи бир куч эканлигини исбот қилди.

Ўртоқ Сталин ҳарбий фан соҳасидаги эски қоида ва низомларга омонсиз зарба берди. Сталин 1919 йилнинг ёз фаслида ҳарбий «мутахассислар»нинг фикрига қарши чиқиб, Петроградни ҳимоя қилиш учун, оқгвардиячилар томонидан ишғол қилинган Красная Горка портига қарши денгиздан ва қуруқликдан ҳужум уюштирди. Бу ҳужум муваффақиятли чиқди. Ўртоқ Сталин Ленинга юборган телеграммасида қуйидагиларни ёзган эди: «Денгиз мутахассислари Красная Горканинг денгиздан қўлга олиниши денгиз фанини чиппакка чиқариб қуяди деб айтадилар. Агар шуни фан деб аташ мумкин бўлса, шундай «фан» тўғрисида таассуф билдираман, халос» (261-нчи бет).

Ўртоқ Сталин ҳарбий операцияларда асосий зарба бериладиган томон тўғрисида назарий жиҳатдан муҳим қоидаларни тузди. Ўртоқ Сталин бундай деб ёзди: «Умуман урушда, хусусан граждан урушида муваффақият, қат'ий ғалаба қозонишни кўпинча зарба бериладиган районни яхши танлаб олиш, ўзингиз душманга зарба бермоқчи бўлган ва асосий зарбани яна давом эттирмоқчи бўлган районни яхши танлашга боғлиқдир» (325-нчи бет).

Ўртоқ Сталин 1919 йил 15 октябрьда Ленинга ёзган мактубида Троцкийнинг жиноятқорона планини фош қилиб, Деникинни тор-мор келтиришдан иборат ўз планини асослаб берди. Ўртоқ Сталин бу мактубида душман қўшинларига асосий зарба бериладиган районнинг муҳим хусусиятларини кўрсатади. Бу хусусият даставвал район аҳолисининг синфий составидан иборатдир. Қизил Армия ишчилар яшайдиган Харьков—Донецк орқали ўтиб борганида, Донбасс пролетариати уни зўр бериб қувватлар эди ва армиянинг шахтёрлар ҳисобидан тез ортиб боришига имконият туғилар эди. Бунда яна асосий зарба бериладиган районни душманнинг орқа томони блан боғлайдиган алоқа йўллари, районнинг табиий бойликлари, душманга қарши курашда истифода қилиниши мумкин бўлган бойликлар назарда тутилган эди. Ростовга зарба берилганида бу ҳол душманни энг муҳим темир йўллардан маҳрум этар, душманнинг ўз қўшинларини та'минлаб туришига халақит берар, Деникинни кўмирсиз қолдирар эди. Ниҳоят, ўртоқ Сталиннинг мактубида душман томонидаги қарама-қаршиликлар назарда тутилган эди. Бу қарама-қаршиликлар кескинлашиб, асосий зарба бериладиган томон тўғри танланган тақдирда душманни тамомила заифлаштириб қўйиш мумкин эди. Кўнгилли армиялар ва казак армиялари ўртасидаги жойга зарба берилганида бу зарба кўнгиллилар армиясини махночилар блан тўқнаштиришга ва казаклар блан Деникин ўртасида низо' туғдиришга имкон берган бўлур эди.

Граждан уруши даврида Қизил Армиянинг ўртоқ Сталин планларига мувофиқ ва унинг раҳбарлиги остида олиб борган қат'ий жанглари, қарши ҳужум қилишнинг гўзал намуналаридир. Бу қарши ҳужумдан мақсад — душманни тамомила тор-мор келтириш эди. Душман муваффақиятли ҳужум қилиб, аммо қат'ий натижаларга эришаолмаганидан кейин қилинган қарши ҳужум натижасида Антантанинг уч ҳужуми тор-мор келтирилди. Душман ҳужум қилган пайтда ўзини мудофаа қилучи томон кучларни тўплайди, қарши ҳужумга ўтади ва душманни узил-кесил мағлубиятга учратади.

Сталиннинг қисқа сатрларда ёзган ҳужжатларининг ҳарбирида граждан уруши давридаги шиддатли инқилобий жангларнинг алангалари гавдаланиб туради. Шарқий фронт ва унда Колчакнинг тор-мор келтирилиши, Петроград фронти ва революция шаҳрининг қаҳрамонларча мудофаа қилиниши, Жанубий фронт ва унда Деникиннинг тор-мор келтирилиши, Ғарбий фронт ва унда оқ полякларга қарши уруш олиб борилиши, Қрим фронти ва унда Врангельнинг тугатилиши, — буларнинг ҳаммаси тарихий жанглар эди. Бу жангларга Сталиннинг саркардалик гениййси раҳбарлик қилди. Бу жанглар В. И. Ленин номига юборилган қисқача телеграммаларда, жуда қисқа мақолалар ва фронтдан берилган ахборотларда, партия Марказий Комитетига юборилган хатларда яққол тасвирланади.

Ўртоқ Сталин граждан урушида икки куч, я'ни интервентлар блан ички аксилинқилоб қўшилганлигини кўрсатиб, фронтдаги ҳарбий операцияларни мамлакат ичкарисида аксилинқилобни тор-мор келтириш блан доим боғлаб бориш зарур эканлигини асослади. «Сталин партиялилар ва ишчилар оммасини уюштирди, раҳбарликни ўзининг маҳкам қўлига олди, у оммага таяниб, саботажга шафқатсиз зарба берди, мамлакат ичкарисида ва фронтда хоинлар, сотқинлар ва жосусларнинг фитналарини қаттиқ қўллик блан бостирди; у фидокорона ишлар, революциянинг истиқболини аниқ билиб шахсан намуна кўрсатиш блан ишчи ва деҳқонларнинг, қизил аскарларнинг жанговарлик руҳи ва инқилобий ғайратини оширди; Сталин қисқа вақт ичида урушда қат'ий бурилиш ясаб, Қизил Армиянинг ғалабасига эришди» (И. В. Сталин. Қисқача таржимаи ҳол, II нашри, 81—82-нчи бетлар).

(ОХИРИ УЧИНЧИ БЕТДА)

# И. В. Сталин Асарларининг тўртинчи томи

(ДАВОМИ)

Тўртинчи томдаги асарларда ҳозирги замон урушида резервларнинг роли тўғрисидаги энг муҳим назарий қоидалар кенг баён қилинади. Бу ўринда «1918 йил декабрь ойида Пермнинг қўлдан кетиш сабаблари тўғрисида партия Марказий Комитети ва Мудофаа Совети Комиссиясининг ўртоқ Ленинга топширган ҳисоботи»ни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу ҳисоботга Шарқий фронтда Пермнинг қўлдан кетишига сабаб бўлган ҳалокат дадил ва шафқатсиз таҳлил этилади. Бу ҳисобот большевиклар партиясининг Совет Армиясини тузиш ва оқгвардиячиларни ҳамда интервентларни тор-мор келтириш йўлидаги курашида энг муҳим ҳужжати бўлди. Комиссиянинг хулосаларида бундай дейилади: «Резервларсиз бўладиган урушга хотима бериш керак, доимий резервларга эга бўлиш зарур, доимий резервлар бўлмаса, мавжуд позицияни сақлаб қолиш ва муваффақиятларни ошира бориш мумкин эмас» (208-нчи бет).

Ўртоқ Сталин «РКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросига хат»ида қуйидагиларни таклиф этади: «Истаган вақтда фронтга ташлаш мумкин бўлган кучли резервларни вужудга келтириш Республиканинг ҳарбий кучини оширишдан иборат навбатдаги программага асос қилиб олинсин» (346-нчи бет).

Ҳозирги замон урушида мамлакат ичкарисининг мустаҳкамлиги, унинг армияни янги кучлар, яроғ-аслаҳа ва ўқ-дорилар, озиқ-овқат блан та'минлаб олиши, ма'навий жиҳатдан мустаҳкамлиги ва армияни қўллаб-қувватлашга тайёрлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ўртоқ Сталин ўз асарларида мамлакат ичкарисининг мустаҳкамлиги, сабот-матонати душман устидан тўла ғалаба қозониш учун энг муҳим шарт эканлиги тўғрисидаги назарий қоидаларни илгари суради. «Дун'ёдаги армияларнинг биронтаси ҳам мустаҳкам фронт орқасига эга бўлмай туриб, ғалаба қилолмайди (бунда гап, албатта, узоқ давом этадиган мустаҳкам ғалаба тўғрисида бораётир). Фронт орқаси фронт учун энг зарурдир, чунки у, фақат угина фронтни ҳар хил озиқ-овқат, анжомлар блангина эмас, балки кишилар — жангчилар блан ҳам та'мин этади. Фронтга руҳ ва ғалла бериб туради. (323-нчи бет).

Ўртоқ Сталиннинг граждан уруши даврида ёзган асарлари Антанта империалистларининг ниқобини йиртиб ташлайди, уларнинг Россиядаги халқ оммасинигина эмас, балки бутун дун'ёдаги халқ оммасининг ҳам ашаддий душманлари эканлигини фош қилади. Ўртоқ Сталин, империалистларнинг агентлари барча мамлакатларда изғиб юриб, босмачилик фитналарини уюштирмоқдалар, Совет Россиясига қарши ҳужум ташкил этмоқдалар, Ғарб халқларини кишанбанд қилмоқчи бўладилар, деб ёзган эди. «Аммо империалистлар шайкаси мазлум халқлар ўртасида ҳарқандай обрўдан маҳрум бўлиб қолганлиги, «маданият» ва «инсонпарварлик» байроқдори деган шуҳратидан абадий маҳрум бўлиб қолганлиги ва ўзининг босмачиликдан иборат ҳаётини, одамларни пора бериб сотиб олиш ҳамда ёлланган шайкалар воситаси блан, Африкадаги «занжилар»ни қул қилиш ва уларни жаҳолатда қолдириш ёрдами блан амалга ошираётганлиги равшан эмасми?...» (181-нчи бет).

Ашаддий империалистлар ёш Совет республикасига ашаддий душман бўлганлари сабабли совет давлат арбоблари ва жамоат арбобларининг қонини тўкишдан ҳам қайтмадилар. Ўртоқ Сталин «Инглиз империализми агентлари томонидан бокули 26 ўртоқнинг отилишига доир» деган мақоласида аниқ ҳужжатларга асосланиб интервентларни фош қилади. Интервентлар ўзларининг эсэр-меньшевик малайлари блан тил бириктириб, инглиз капитани Тиг-Жонснинг қўмондонлиги остида 26 Боку комиссарини ваҳшиёна ўлдирдилар.

1917 йилнинг охирида, Антантанинг ҳарбий миссиялари ўз лавозимларидан фойдаланиб, Совет Россиясига қарши юриш ташкил қилган чоқда, ўртоқ Сталин қуйидагиларни ёзган эди: «Миссиялар худди Марказий Африкадагидек ҳаракат қилмоқдалар. Аммо, «иттифоқчилар» Россиянинг Марказий Африка эмаслигини тез орада билиб қолурлар...» (20-нчи бет). Ўзининг улуғ революцияси блан фахрланучи совет халқи социалистик Россиянинг кучини жаноб Черчилльларга кўрсатди, интервентларнинг армияларини тор-мор қилди ва уларнинг шармандасини чиқариб, Ватанимизнинг тупроғидан ҳайдаб чиқарди.

Сталин Антантанинг резервлари блан Россиянинг резервларини бир-бирига солиштириб, шундай хулоса чиқаради: «...Антантанинг резервлари кун сайин тугаб бормоқда, Совет Россиясининг резервлари кўпайиб бормоқда» (379-нчи бет).

Бу хулоса ҳозирги замоннинг энг муҳим тарихий қонунларидан бирини очиқ кўрсатади. Антанта бир вақтлар Россия теварагида «тўсиқ» вужудга келтириш учун резервлар тўплаган эди. Империализмнинг ана шу резервлари сўнгги бирнеча ўн йил ичида анча камайди. Европа ва Америкадаги урушқоқ тескаричилар ҳозир камайиб қолган ана шу резервларни ишга соладиган бўлсалар, улар тарихнинг ўзлари учун аянчли сабоқларини эсга олишлари керак.

## IV.

Ўртоқ Сталиннинг тўртинчи томда босилган асарлари социалистик революцияда, совет жамияти тараққиётида большевиклар партиясининг етакчилик ролини очиқ кўрсатиб беради. Ўртоқ Сталин Украина К(б)П нинг IV конференциясида бундай деган эди: «...Бизнинг партиямизда ҳамжиҳатлик, бирлик, ишга салоҳат бор. Бунинг устига — «ўлсак ўламизу, аммо бошланган ишни охиригача етказамиз» деган шиоримиз бор. Партия интизом ва жипслиги орқасидагина минг-минглаб ходимларни барча районларга, барча областьларга муваффақиятли суратда юборади. Бу интизом ва бирлик империализм устидан ғалаба қозонишга имкон берди ва улар иккинчи душман устидан, я'ни вайроначилик устидан ҳам ғалаба қозонишимизга ишонч беради» (295-нчи бет).

Асарларнинг тўртинчи томида И. В. Сталиннинг «Ленин РКП ташкилотчиси ва йўлбошчиси» деган асари ҳам бор. Улуғ Ленинга чексиз муҳаббат ҳислари блан тўлган бу асарда ленинизм тўғрисида, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ва ленинизмнинг жамиятни қайтадан қуришдаги улуғ роли ҳақида чуқур та'риф берилади.

Ўртоқ Сталин айтадики, марксистларнинг икки гуруҳи бор. Биринчи гуруҳ марксизмни юзаки э'тироф қилиш, марксизмни тантанали суратда э'лон қилиш блан чекланади. Бу гуруҳ меньшевизм (Россияда), оппортунизм (Европада) деб аталади.

«Иккинчи гуруҳ, аксинча, марксизмни э'тироф қилибгина қолмай, балки уни татбиқ этишга, уни амалга оширишга кўпроқ э'тибор қилади. Бу гуруҳ марксизмни вазиятга мувофиқ амалга ошириш йўлларини ва воситаларини белгилашга, вазият ўзгарган тақдирда ана шу йўл ва воситаларни ўзгартиришга кўпроқ э'тибор қилади.., Бу гуруҳ ўз фаолиятида нақл ва ибораларга таянмайди, балки амалий тажрибага таянади, ўзининг ҳарбир ишини тажрибада текшириб кўради, хатоларидан сабоқ олади ва бошқаларни янги турмуш қуришга ўргатади... Бу гуруҳнинг номи большевизм, коммунизмдир.

Бу гуруҳнинг ташкилотчиси ва йўлбошчиси В. И. Лениндир» (306-нчи бет).

Ўртоқ Сталин Ленинни партия кадрларини оппортунистларга ва муросачиларга қарши раҳмсиз курашда тарбиялаган ва партияга йўлбошчилик қилган киши сифатида та'бирлаб айтадики, «партиямиз пролетар бўлмаган, оппортунист унсурларни ўз сафидан ҳайдаб чиқармаганида эди, у ўзининг ички заифлиги ва бўшанглигидан қутилаолмас эди, ўзига хос даражада кучли ва мустаҳкам бўлаолмас эди» (309-нчи бет).

Ўртоқ Сталиннинг қуйидаги сўзлари партияга чексиз муҳаббат ҳислари блан тўлган: «...Ленин партиянинг партияга ва революцияга қарши унсурлар блан раҳмсиз курашиш йўлидан олиб бориб, минг марта тўғри иш қилди. Чунки партиямиз ана шундай ташкилий сиёсат натижасидагина ички бирлик ва ғоят зўр ҳамжиҳатликка эга бўла олди. Партиямиз бу хусусиятларга эга бўлиб, Керенский давридаги июль кризисидан шикаст емай чиқди. Октябрь қўзғолонини кўтарди. Брест давридаги кризисга бардош берди. Антанта устидан ғалабани ташкил этди ва, ниҳоят, мисли кўрилмаган даражада эпчил бўлиб қолдики, бунинг орқасида у ҳарқачон ўз сафларини қайтадан тузаолади ва ўз сафида парокандаликка йўл қўймагани ҳолда ўзининг юз мингларча а'золарини ҳарқандай катта ишга сафарбар қила олади» (310-нчи бет).

Граждан урушининг қаҳрамонлик йиллари Ленин ва Сталиннинг мустаҳкам ҳамкорлиги блан ўтди. Ленин ва Сталин биргаликда совет ижтимоий ва давлат тузумининг асосларини яратдилар, биргаликда совет республикасининг қуролли кучларини вужудга келтирдилар ва мустаҳкамладилар. Ленин совет давлати сиёсатининг энг муҳим масалалари тўғрисида Сталин блан маслаҳатлашар эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида чиқарилган энг муҳим тарихий ҳужжатларда Ленин блан Сталиннинг имзолари бор.

И. В. Сталин Асарларининг тўртинчи томига кирган мақола ва нутқлар большевиклар партиясининг буюк тарихий хизматини бизга яққол кўрсатиб беради. Большевиклар партияси халқимизнинг социалистик ватан учун курашига етакчилик қилди ва ажнабий интервентлар ҳамда оқгвардиячиларнинг галалари устидан ғалабамизни ташкил этди. Ўртоқ Сталиннинг асарлари совет халқини большевиклар партиясига муҳаббат руҳида, гўзал Ватанимиз учун фахрланиш руҳида тарбиялайди. Ўртоқ И. В. Сталин Асарларининг тўртинчи томида босилган мақола ва нутқлар большевиклар партиясининг буюк тарихий тажрибасини ўрганишимизга ёрдам беради. Бу тарихий тажриба ленинизм улуғ ғояларининг асло енгилмаслигини исбот қилади.

Е. ГОРОДЕЦКИЙ.
(«ПРАВДА», 17 март).

# ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИ КЕНГАШИДА

## 26 мартдаги мажлис

Мажлисда Д. Маршалл раислик қилди.

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши Югославия ҳукуматининг баёнотини муҳокама қилди. Югославия ҳукумати Югославия вакилларига Австрия блан тузиладиган шартнома лойиҳаси ва Триестнинг молия аҳволи ҳақида ўз фикрларини баён қилиш имкониятини берилишини Министрлар Кенгашидан сўрайди. Министрлар Кенгаши Югославия делегациясини Австрия блан тузиладиган шартнома ҳақида ўз фикрини баён этиш учун таклиф этишга қарор қилди. Югославия делегациясига Триестнинг молия аҳволи ҳақида Министрлар Кенгашида ўз фикрини баён қилиш имконияти берилиши ҳақидаги масала очиқ қолди, чунки Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия вакиллари бу ҳақда ўз фикрларини айтмадилар.

Сўнгра Министрлар Кенгаши Сулҳ конференциясини чақириш ва унинг составини ҳақидаги масалани кўришга киришди. Совет делегацияси Сулҳ конференциясига иттифоқчи давлатлар, Германияга қўшни бўлган давлатлар ва Германияга қарши олиб борилган умумий курашда қатнашган бошқа давлатлар чақирилсин деб таклиф этди. Америка Қўшма Штатлари делегацияси Сулҳ конференциясининг состави кенгайтирилсин, конференцияда Германия блан уруш ҳолатида бўлган ҳамма давлатлар қатнашсин деб таклиф этди.

Сулҳ конференциясини чақиришда қайси мамлакатлар иштирок қилиши масаласи ва Германия ҳукуматининг вакиллари сулҳ шартномасига қўл қўйиши керакми, йўқми деган масала ҳақида ҳам ихтилоф чиқди.

**В. М. Молотов** айтдики, совет делегацияси Потсдам (Берлин) конференциясининг қарорларига амал қилади. Потсдам конференциясида, Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини Германиянинг таслим бўлиши ҳақидаги шартларга қўл қўйган ҳукуматлар я'ни СССР, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари тайёрлайди деб қарор қилинган эди. Потсдам конференциясида сулҳ шартномасини бажаришни Германияда тузиладиган ва муфвоиқ деб топилган ҳукумат ўз зиммасига олади, деб қарор қилинган эди.

— Шартномага Германия ҳукуматининг қўл қўйиши шунинг учун зарурки, —деди В. М. Молотов,—герман ҳукумати сулҳ шартномасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши учун иттифоқчи давлатлар олдида ва ўз халқи олдида жавобгар бўлсин.

**Э. Бевин** сулҳ шартномасига Германия ҳукумати қўл қўйиши керак деган фикрга қўшилди. Сулҳ конференциясини чақирувчи давлатлар масаласига келганда, Бевин бу давлатлар жумласига Хитойни ҳам киритишни таклиф этди. **Ж. Бидо** ва **Д. Маршалл** бу таклифни қувватладилар.

**В. М. Молотов** эслатиб ўтдики, Хитой Германиянинг таслим бўлиши ҳақида тузилган шартларга қўл қўйган эмас. Молотов айтдики, Хитой ҳукумати Париж конференциясини чақиришда қатнашмади. Бу конференцияни СССР, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари чақирди. Лекин Париж конференциясида ўзаро келишиб, конференцияда Хитой вакили ҳам қатнашсин деб қарор қилинган эди.

— Фикримча, — деди В. М. Молотов, —Германия масаласи юзасидан чақириладиган конференция учун ҳам бундан намуна олиш мумкин.

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши В. М. Молотовнинг таклифини қабул қилди, я'ни Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлаш тартибининг биринчи қисмини яна министрларнинг ўринбосарлари муҳокамасига топширишга қарор қилди. Бундан Сулҳ конференциясининг состави масаласигина мустаснодир. Сулҳ конференциясининг состави ҳақидаги масала яна Министрлар Кенгашида муҳокама қилинади.

Сўнгра Министрлар Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлашда иттифоқчи давлатларнинг қай тарзда иштирок қилиши ҳақидаги масалани кўришга киришдилар. Министрлар Ўринбосарларининг Кенгаши сулҳ шартномасини тайёрлаш тартиби ҳақида таклиф этган лойиҳада иттифоқчи давлатларга, Германия блан қўшни бўлган давлатларга ва Германияга қарши олиб борилган умумий курашда ўз қуролли кучлари блан қатнашган бошқа иттифоқчи давлатларга Германия масаласи ҳақида ўз фикрларини ёзма ёки оғзаки тарзда баён қилиш имконияти берилсин деб тавсия қилинган эди. Иттифоқчи давлатларнинг Ахборот-маслаҳат кенгаши уюштирилсин деб ҳам тавсия қилинган эди. Бу кенгаш составига Кенгаш а'зоси бўлган тўрт давлат вакиллари блан бирга иттифоқчи давлатлар, Германия блан қўшни бўлган давлатлар, шунингдек Германияга қарши олиб борилган умумий курашда ўз қуролли кучлари блан қатнашган давлатларнинг вакиллари ҳам киритилиши керак.

Сўнгра **В. М. Молотов** сўзга чиқиб, совет делегацияси Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлашда иттифоқчи давлатларнинг иштирок қилишига катта аҳамият беради деди.

— Совет делегациясининг фикрича,— деб давом этдиради В. М. Молотов ўз сўзини,—ҳозирча Потсдам қарорларидан яхшироқ қарорлар йўқ экан, бу қарорларни менсимаслик нотўғри бўлур эди. Бу қарорлар даставвал сулҳ шартномасини тайёрлаш укун қайси давлатлар жавобгар эканлигини белгилаб беради. Потсдам қарорлари бу мас'улиятни бу ерда вакиллари ҳозир бўлган тўрт ҳукуматга юклайди. Биз Потсдам қарорларини ҳимоя қилишимиз блан бу мажбуриятлар бажарилиши кераклигини та'кидлаймиз.

В. М. Молотов айтдики, совет делегацияси иттифоқчиларга сулҳ шартномасини тайёрлаш ишининг ҳамма даврларида ўзларини бевосита қизиқтирган ҳарбир масала ҳақида иттифоқчи давлатларнинг Ахборот-маслаҳат кенгашида, комитетлар ва кичик комитетларда, Министрлар Ўринбосарлари кенгашларида, Министрлар Кенгашида ва Сулҳ конференциясида ўз фикрларини баён қилиш имкониятини берадиган таклифларни қувватлайди.

В. М. Молотов айтдики, комитетлар ва кичик комитетларнинг составини кенгайтириш тўғрисида Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия делегациялари томонидан киритилган таклиф мақбул эмас. Молотов айтдики, бу таклиф Министрлар Кенгашини ёки Ўринбосарлар кенгашларини қандайдир мунозара клубига айлантиришга сабаб бўлади.

Ташқи Ишлар Министрлари сулҳ шартномасини тайёрлаш тартиби ҳақидаги лойиҳани яна муҳокама қилмоқ учун ўз ўринбосарларига топширишга қарор қилдилар.

✦ ✦

Ташқи Ишлар Министрлари Мувофиқлаштирувчи комитетнинг иши ҳақида фикр олишдилар. Мувофиқлаштирувчи комитетга Германиядаги Иттифоқ Контроль Кенгашининг ҳисобот докладини муҳокама қилган вақтда киритилган таклифларга якун ясаш топширилган эди. (ТАСС).

# Мувофиқлаштирувчи комитетда

## ҚЎЧИРИБ ОЛИБ КЕТИЛГАН КИШИЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАНИ МУҲОКАМА ҚИЛИШ

26 мартда Мувофиқлаштирувчи комитет совет делегациясининг таклифини муҳокама қилишни давом этдирди. Бу таклифдан мақсад—кўчириб олиб кетилган ва ғарбий оккупация доирасидаги лагерьларда ҳали ҳам қолаётган кишиларни мазкур лагерьларда хўжайинлик қилаётган фашист унсурларнинг ўзбошимчалигидан қутқазиш ва кўчириб олиб кетилган ҳамда ватанларига қайтиб келиш тўғрисидаги истакларини эркин баён қилиш имконига эга бўлмаган кишиларнинг ҳуқуқсиз аҳволига хотима беришдир.

Совет делегацияси жумладан, Германиянинг ғарбий оккупация доираларида иттифоқчи давлатлардан бирортасининг манфаатларига қарши ишлар блан шуғулланаётган барча «комитетлар», «марказлар» ва бошқа ташкилотларни дарҳол тарқатиб юборишни таклиф этди. Совет вакили **А. Я. Вишинский** бундай деди: «Германияни оккупация қилган шерикларимиз масалани аниқлаштиришлари ва ана шу «комитетлар» деб аталган ва аслда фашистлар ташкилоти бўлмиш «комитет»ларнинг ишларини тақиқлаб, иттифоқчилар олдидаги ўз бурчларини бажаришлари керак деб ҳисоблаймиз».

Француз вакили **З. Альфан** совет таклифини қувватлади ва бироз таҳририй тузатиш киргизди. У яна айтдики, Франция оккупация доирасида иттифоқчиларнинг манфаатларига қарши ишлаётган комитетлар, гуруҳлар ёки ташкилотлар йўқ. Америка Қўшма Штатлари вакили генерал **Клей** ва Буюк Британия вакили генерал **Робертсон** совет таклифига қарши чиқдилар. Клей менинг фикримча, «озчилик ўз ташкилотларини тузиш ва ўз фикрини эркин суратда изҳор қилиш ҳуқуқига эгадир» деган далилни келтирди. Клей айтдики, Америка оккупация ма'мурлари «ана шу гуруҳларнинг сиёсат блан шуғулланишига имкон бермаслик ва кўчириб олиб кетилган кишиларнинг ўз ватанларига қайтиб келишлари учун халақит беришларига йўл қўймаслик» учун бутун чорани кўришга ҳаракат қилади. Аммо, Клей шундаёқ сўзига илова қилиб бундай деди: «Бу гуруҳлар шундай ишлар блан шуғулланмоқдалар деб уларни айблаш жуда осон, лекин буни исбот қилиш жуда қийин. Бундан ташқари бу ташкилотларнинг қилаётган ишлари қандай та'сир кўрсатаётганлигини ҳам аниқлаш жуда қийин».

**Робертсон** Клейнинг фикрини қувватлади ҳамда туманли ва мужмал резолюцияни таклиф этди. Бу резолюцияни аслда ана шундай ташкилотларни тақиқлаш эмас, балки уларнинг тузилишига ёрдам бериш деган ма'нода тушуниш мумкин. Резолюция лойиҳасида бундай дейилган эди: «Кўчириб олиб кетилган кишиларнинг ўзларига доир умумий масалаларни биргаликда муҳокама қилишига ва шу мақсадда тўпланишига халақит бериш умуман мақбул бўлганида ҳам буни амалга ошириш қийин эканлиги кўрсатилган эди». Сўнгра, лойиҳада оккупациячи давлатлар Германияга кўчириб олиб кетилган кишиларга қарашли «комитетлар», «марказлар» ва шуларга ўхшаш бошқа ташкилотларнинг иттифоқчи давлатлар манфаатларига қарши қаратилган ишларига халақит бериш учун чора кўради, дейилган эди.

**А. Я. Вишинский** Робертсон томонидан таклиф этилган лойиҳани жиддий аҳамиятга эга бўлмаган содда бир лойиҳа деб атади. «Бу ерда аслда нима тўғрисида гап бормоқда?— деди у.— Биз комитетларни тарқатиб юборишни таклиф этмоқдамиз. Бизга эса уларнинг ишларига халақит бериш қийин деб жавоб берадилар. Робертсон жаноблари, бу комитетлар нима блан шуғулланмоқдалар? Уларнинг мақсади нима? Мазкур комитетларга кимлар раҳбарлик қилмоқда? Фашизмнинг қолдиқларини тугатиш вазифаларини э'тиборга олганда, ана шу «марказлар»нинг душманчилик ишларига халақит бериш қийин деб ҳисоблаб бўладими? Сиз сўзда ҳамма чорани кўришга тайёрсиз, аммо аслда ҳеч қандай амалий чора кўролмайман, деб ҳозирданоқ айтмоқдасиз. «Умуман мақбул бўлганида ҳам, бу ишни қилиш қийин» деган жумлани қандай тушунса бўлади? Иттифоқчи давлатларнинг манфаатларига қарши қаратилган шармандали ишларга чек қўйиш мақбулми деган масала инглиз делегацияси учун ҳали ҳам шубҳали эканда!».

Вишинский ғарбий оккупация доираларида душманлик ишлари блан шуғулланаётган «комитетлар» ва «марказлар»нинг ҳақиқий қиёфасини очиб берадиган кўп материал келтирди. Жумладан, Британия оккупация доирасидаги «Болтиқ бўйи марказий комитети» ва унинг округ комитетларига фашистлар, гитлерчиларнинг агентлари раҳбарлик қилмоқдалар. Булар орасида немис чегара полициясининг илгариги амалдори Юлозас, немисларнинг Литвадаги жосуси Зигмас, немис қўшилмаси штабида ишлаган литвали полковник Суткус ва бошқалар бор. Британия доирасида Хайденаудаги украинлар лагерига Львовдаги немис комиссарининг илгариги сиёсий маслаҳатчиси Дроздовский, унинг ёрдамчиси, власовчи Гусаров раҳбарлик қилмоқда. Америка доирасида Омштед (Ольденбург)даги Болтиқ бўйи кишилари лагери комитетининг раиси Абакук деган одамдир. Абакук немислар томонидан қўйилган бўлиб, немислар даврида Ригадаги округ судининг раиси эди. Немис армиясида хизмат қилган Геогашвили деган бир одам 631-нчи лагерь бошлиғининг ёрдамчиси ва ҳоказо.

— Ана шу ҳарбий жиноятчиларнинг бемалол ҳаракат қилишларига нима учун рухсат бермоқдасиз? Бу ерда Клей айтганидек озчилик учун эркинлик бериш тўғрисидаги далилларни келтириш мақбул эмас. Фашизмга ҳеч қандай эркинлик беролмаймиз. Фашизмга эркинлик бериш Берлин конференцияси қарорларининг принципларига очиқдан-очиқ зид бўлур эди.

Генерал Клей асосий саволга жавоб қайтаришдан бўйинтовлаб, кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьларда ҳеч ким зўрлик блан ушлаб қолинмаётир ва ўз ватанига қайтишни истаган ҳарбир киши қайтаолади, деди. Вишинский кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьлардан олинган бирқанча хатни ўқиб берди.

Гражданлардан П. Калиновский, И. Калиновский ва Киндурислар бундай деб ёзади: «Биз Болтиқ бўйидаги кишилар учун очилган «Веттер» лагеридан қочдик, чунки бу лагерьда СССРга қайтишни истаган кишиларни қаттиқ та'қиб этадилар, ҳар хил жазо бериш блан қўрқитадилар. Лагерь ма'мурияти, хусусан лагерь коменданти подполковник Сааль ватанга қайтиб бормаслик тўғрисида зўр бериб пропаганда юргизмоқда. Биз ўзимизга қарашли буюмларни сотдик ва кечаси лагерьдан чиқиб кетдик. Лагерьда бизга ўхшаш кишилар кўп, аммо уларнинг ҳаммаси лагерьдаги аҳвол тўғрисида очиқ гапиришдан қўрқади».

Совет кишилари тўланадиган пунктга «Венен» лагеридан келган совет граждани Мирценгевич ариза бериб, совет кишиларини террор қилаётган Прекшайтис шу лагерьга бошлиқ эканини айтди. Узини Алексис Ионинас деб атаган киши аслда Иванаускас бўлиб, лагерь комитетининг а'зосидир. Иванаускас Шаулай шаҳрида немис гестапосида ишлаб, совет кишиларини отган эди. «1946 йил рождество байрами олдидан,—деб ёзади. Мирценгевич,— биз турган лагерьга совет офицери келди. Мен совет офицери блан гаплашиш ниятида эканлигимни айтганимда, бундан хабардор бўлган лагерь комитетининг а'зоси Григалис: «Агар совет офицери олдига борсанг, сени ўлдираман» деди».

Парвали совет граждани Лейнард Варенд совет офицерига қуйидагиларни айтди: «Мен ватанга жўнаш ниятида эстонлар учун очилган «Борхорст» лагерига борган эдим. Бу лагерьда литвалилардан 700 га яқин киши бор. Немис армиясида хизмат қилган подполковник лагерьнинг комендантидир. Бу лагерьда менга ўз ватанига қайтиб борган кишиларни Сибирьга сургун қиладилар ёки ҳаётдан маҳрум этадилар, дедилар. «Уклей» лагеридан ватанларига жўнаш учун йўлга чиққан 40 эстонлига ташкилий суратда ҳужум қилинганлигини ва улар тошбўрон қилинганлигини ўз кўзим блан кўрдим. Бу ишларнинг ҳаммаси мени чўчитиб қўйди. Мен фақат шу сабабдан ҳозиргача ватанимга жўнаганим йўқ».

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

# Яков Николаевич Федоренко

Большевиклар партиясининг содиқ фарзанди, ССР Иттифоқи Қуролли Кучлари Бронетанк ва Механикалаштирилган қўшинларининг Қўмондони, бронетанк қўшинлари Маршали СССР Олий Совети депутати Яков Николаевич Федоренко узоқ вақт оғир касал ётганидан кейин шу йил 26 мартда вафот этди.

Ўртоқ Федоренко Қизил Армия ташкил этилган биринчи кунларданоқ унинг сафига кириб, қизил гвардиячидан тортиб бронетанк қўшинлари Маршалигача бўлган шонли йўлни босиб ўтди.

Ўртоқ Федоренко граждан уруши йилларида бронепоезд командири, танк полки командири, механикалаштирилган қўшилма командири, тинч қурилиш йилларида ҳарбий округ Автобронетанк қўшинларининг бошлиғи ва Қизил Армия Автобронетанк бошқармасининг бошлиғи бўлиб, танк қўшинларимизни янги ҳарбий техника блан қайтадан қуроллантириш ишларига ўзининг бутун тажрибаси ва билимини сарф қилди.

Ўртоқ Федоренко Улуғ Ватан уруши йилларида Қизил Армия Бронетанк ва Механикалаштирилган қўшинларининг Қўмондони бўлиб ишлади. Я. Н. Федоренко танк қўшинларига раҳбарлик қилишда ҳартарафлама катта тажрибага эга бўлиб, бронетанк иши техникасини жуда яхши билгани ҳолда, бронетанк ва механикалаштирилган қўшилмаларни тузиш соҳасида Олий Бош Қўмондонликнинг топшириқларини бажариш, совет танкчиларига та'лим бериш ва уларни тарбиялаш йўлида ишлади.

Ўртоқ Федоренко Улуғ Ватан уруши йилларида фидокорона ишлаб, ўз ижодий меҳнати блан совет Бронетанк ва Механикалаштирилган қўшинларининг порлоқ ғалаба қозонишига кўп ёрдам берди.

Бронетанк қўшинлари Маршали Я. Н. Федоренконинг Ватан саодати учун қилган самарали ишлари Совет Ҳукуматининг юксак мукофотлари блан тақдирланди. Ўртоқ Федоренко тўрт марта Ленин ордени, икки марта Қизил Байроқ ордени, 1-нчи даража Суворов ва Кутузов орденлари блан мукофотланди.

Ўзининг бутун кучини Ленин-Сталин партиясининг улуғ ишига, Совет Армиясининг ҳарбий кучини ошириш ва мустаҳкамлашга сарф қилган Яков Николаевич Федоренконинг порлоқ хотираси совет жангчиларининг қалбида абадий яшайди.

**Булганин, Василевский, Конев, Вершинин, Юмашев, Хрулев, Будённий, Говоров, Малишев, Акопов, Казаков, Устинов, Ванников, Горегляд, Данченко, Соколовский, Рокоссовский, Антонов, Мерецков, Тимошенко, Жуков, Толбухин, Малиновский, Шикин, Воронов, Рибалко, Штеменко, Голиков, Яковлев, Чистяков, Воробьев, Пересипкин, Голованов, Баграмян, Судец, Жадов, Артемьев, Соломатин, Богданов, Ротмистров, Лелюшенко, Катуков, Коробков, Бирюков, Куркин, Полубояров, Батов, Вершинин, Кравченко, Родин, Митрофанов, Пухов, Фекленко, Васильев, Виноградов, Чернявский, Хотенко, Зальцман, Махонин, Рубинчик, Лоскутов, Максарев, Лебедев, Бутков, Котин, Новиков.**

# ТОШКЕНТДА КАРТОН ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ФАБРИКА ҚУРИЛАЁТИР

Ҳозирга қадар Ўзбекистонда картон ишлаб чиқарадиган корхона йўқ эди. Бу ҳол республикадаги барча пойафзал фабрикалари учун зарур бўлган картонни Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларидан келтиришга мажбур қилар эди.

Пойафзал фабрикаларининг бу материалга бўлган эҳтиёжини шу ернинг ўзида қоплаш мақсадида Ўзбекистон ССР Енгил Саноат министрлиги Тошкентдаги қоғоз комбинати яқинида картон фабрикаси қура бошлади. Ҳозир фабрикада бинокорлик ишларининг 70 процентчаси тугаб, ишлаб чиқариш цехларига ускуналар ўрнатила бошлади. Бу корхона Сталинча тўртинчи бешйилликнинг иккинчи йили охирида ишга туширилади. Фабрика ҳар йили 750 тонна картон ишлаб чиқаради.

# ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИ КЕНГАШИДА

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

— Бундай аризалар жуда кўп,—деди Вишинский.— Қисқача гапириш учун яна бирнечта факт кўрсатиш билан чекланаман. Америка доирасидаги «Ганау» лагерида, 55-нчи лагерьда ва бошқа бирқанча лагерьларда ватанларига қайтишни истаган кишиларга доимо дўқ қиладилар. «Роттен бергоберт» лагерида литвалилар ва латишлардан 70 га яқин киши ватанларига жўнатишни сўраб ариза берган. Лагерь коменданти бу аризаларни йиртиб ташлаган ва уларнинг илтимосини дондиришга қат'иян унамаган. Фактлар ана шундай. Инглиз мақолида айтилганидек, фактлар ўжар бир нарсадир. Агар сиз мен айтган гапларга қўшилмайдиган бўлсангиз, мен айтган гаплар нотўғри эканлигини кўрсатадиган фактларни келтира оласизми? Агар шундай экан сиз биз келтириб ўтган фактларнинг ҳаммасини текширадиган комиссия тузиш ҳақидаги таклифимизга нима учун қўшилмайсиз?

Генерал **Клей** ва генерал **Робертсон** дангал берилган саволларга яна жавоб қайтаришга унамадилар. Клей муҳокама қилинаётган масалани қочоқлар ишини кўрадиган ва Бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан тузиладиган халқаро ташкилотга топшириш-ни таклиф этди. Вишинский бунга жавобан айтдики, қочоқлар иши билан машғул бўладиган ташкилот бу масалани ҳал этолмайди, чунки қочоқлар масаласи билан шуғулланувчи ташкилотнинг устави, унинг вазифаси кўчириб олиб кетилган кишиларга ва қочоқларга моддий ёрдам беришдан иборат деб кўрсатади.

Ўзаро келишиб бирқарорга келинмаганлиги сабабли, ҳарбир делегация шу масала ҳақидаги ўз фикрини Мувофиқлаштирувчи комитет докладига қўшади, деган қарор чиқарилди.

Совет делегациясининг кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьлардаги ҳарбий жиноятчилар тегишли мамлакатлар ҳарбий қўмондонлигининг назоратига топширилсин, деган таклифи қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

— Бу масала шундай оддий бир масала эки,— деди **Вишинский**,—шу ҳақдаги таклифни шархлаб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

**Француз делегацияси** совет делегациясининг таклифини қувватлади. **Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия вакиллари** ҳам уларнинг фикрига қўшилдилар. Аммо улар ҳарбий жиноятчиларни топшириш учун «етарли даражада асосли далиллар» бўлиши зарур деб шарт қўйдилар. Генерал **Клей** «ҳарбий жиноятчилар» деган терминнинг ўзи менга аниқ равшан эмас деди. Унинг айтишича, инглиз тилида ана шу термин икки хил ма'нода тушинилар экан. Шундан кейин **Вишинский** «ҳарбий жиноятчилар» деган термин Ҳарбий трибуналнинг уставига мувофиқ эканлигини ва Нюрнбергда ҳарбий жиноятчилар ана шу уставга мувофиқ суд қилинганлигини эслатиб, генерал Клейга данғал шундай савол берди:

— Немислар билан биргаликда ҳаракат қилиб, Бирлашган миллатларга қарши курашган кишиларни ҳарбий жиноятчилар деб аташга ҳақимиз борми? Хонн Власовнинг шериклари бўлиб, немислар томонига ўтган ва Совет Иттифоқига қарши курашда немисларга ёрдам берган хонларни ким деб атайсиз? Масалан сиз, машҳур фашист Бандерни ҳарбий жиноятчи деб ҳисоблайсизми? Сиз Бандерни ўз ответ ма'мурлари қўлига топширишга розимисиз?

— Бу одамнинг иши менга етарли даражада ма'лум эмас, шу сабабдан бу саволга жавоб қайтаролмайман,— деди Клей.

Мувофиқлаштирувчи комитет шу таклиф тўғрисида, шунингдек ҳал этилмай қолган бошқа таклифлар тўғрисида делегацияларнинг изҳор қилган фикрларини қайд этди.

Мажлиснинг охирида А. Я. Вишинский қуйидаги таклифни ўртага қўйди: «Германия таслим бўлганидан буён ҳарбий оккупацияни давлат кўчириб олиб кетилган кишиларни ва қочоқларни ўз ватанларига батамом қайтариш имкониятига эга бўлганлигини назарда тутиб, Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши Иттифоқ Контроли Кенгашига 1947 йил 1 январьдан бошлаб, кўчириб олиб кетилган кишиларни ва қочоқларни боқишга сарф бўладиган ҳаражатларни Германия ҳисобидан ёки оккупациячи қўшинларни боқиш учун бўладиган ҳаражатлар ҳисобидан тўлаш та қилансин».

Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция вакиллари шу масала ҳақидаги фикрларини кейинчалик айтадиган бўлдилар. (ТАСС).

## ИСПАНИЯ КОММУНИСТЛАР ПАРТИЯСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПАРИЖ, 23 март (ТАСС). Испания коммунистлар партиясининг Парижда чақирилган конференцияси кеча тамом бўлди. Конференция ғарбий-шимолий Испанияда партизанлар ҳаракати тўғрисида полковник Эндике Листернинг ахборотини эшитди.

«Испания хотин-қизлари союзи»нинг секретари Ирене Фалькон испан хотин-қизларининг, жумладан Каталония тўқувчи хотин-қизларининг фашизмга қарши қаҳрамонларча курашаётганликлари ҳақида гапирди.

Конференция мажлисларидан бирида Англия коммунистлар партиясининг бош секретари Гарри Поллит ва Франция коммунистлар партиясининг секретари Жак Дюкло нутқ сўзладилар. Поллит айтдики, демократия билан фашизм даставвал Мадрид шаҳрида бир-бирлари билан тўқнашдилар. Поллит ўтмишда Чемберлин олиб борган ва ҳозир Бевин олиб бораётган сиёсатни қоралади. Бу сиёсат инглиз халқининг ҳаётига жуда ёмон та'сир қилмоқда. Ҳозирги вақтда Англия ишчи кучлари танқислиги натижасида кўп қийинчиликлар кечирмоқда, деди Поллит, Бевин эса, ўзининг демократияга қарши сиёсатини давом эттирмоқ учун 1 миллион 200 минг кишини армия сафида сақламоқда.

Жак Дюкло испан ва француз коммунистларининг қардошлигини уқтириб ўтди ва Испания коммунистлар партиясининг бундан кейинги қуролтойи Мадрид шаҳрида чақирилишини истаганлигини билдирди.

Испания коммунистлар партияси сиёсий бюросининг а'зоси Сантяго Карильо партизанларнинг ва испан халқининг фашистларга қарши олиб бораётган курашни ҳақида сўзлади.

Испания компартияси бюросининг а'зоси ва чет эллаги испан республика ҳукуматининг экономика министри Висенте Уриbe ўз нутқида айтдики, фашизм оғир кунларни бошидан кечираётир, чунки халқ фашизмга қарши кўзголон кўтармоқда. Бундан ташқари, фашизм мамлакат ичида ҳам қийинчиликларга дуч келмоқда. Урибе Испания масаласини ҳал қилишдаги асосий йўлларни кўрсатди. Бу ер ислоҳоти ўтказиш, монополияларни тугатиш, корхоналарни давлат ихтиёрига олиш, миллий масалани ҳал қилишдан иборатдир. Урибе фашистларга қарши руҳдаги ҳамма кишиларни курашга ва якдил бўлишга чақирди. Урибе «коммунистлар партиясининг Льонис ҳукуматида иштироки бу бирлик программасининг муҳим қисмидир» деди.

Конференцияга Швеция, Бельгия ва Австралия компартияларининг вакиллари ҳам келдилар. Бразилия, Чехословакия, Югославия ва Албания коммунистлар партияларидан табриклар олинди.

Конференциянинг охирги мажлисида Висенте Урибе конференциянинг тўрт кунлик ишларига якун ясади. Урибе халқлар томонидан демократия учун олиб борилаётган умумий курашда Испаниянинг қандай роль ўйнаяжагини эслатиб ўтди. Конференция, деди Урибе, Испания коммунистлар партиясининг яқиллигини ва Испаниядаги турли миллатларнинг манфаати бир хил эканлигини та'кидади. Урибе коммунистларни ва испан халқини Франкога қарши курашни кучайтиришга ва Франкога қарши барча кучларни бирлаштиришга чақирди. У барча делегатларнинг фикрини ифода қилиб, Испанияда демократик республикани тиклашга чақирди. Конференция партия раҳбарларига, жумладан испан халқининг кураш символи Долорес Ибаррурига яна ишонч билдирди.

## АНГЛИЯНИНГ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИДА СЎЛ МАСЛАКДАГИ КИШИЛАР ТАҲҚИРЛАНМОҚДА

ЛОНДОН, 25 март (ТАСС). Граждан муассасаларидаги хизматчилар уюшмасининг бош секретари Уайт 22 мартда бўлган оммавий митингда давлат идоралари да коммунистлар таҳқирланаётганлигини айтган эди. Уайт 23 мартда «Ньюс кроникл» газетасининг мухбирига ўзи раҳбарлик қилаётган уюшма бу масалада қаттиқ туражагини айтди.

«Сўнгги ойларда, — деди Уайт, — давлат идораларида вақтинча хизмат қилаётган бирқанча кишилар ўзларини доимий ишга олишни сўраб мурожаат қилдилар. Улар синовдан муваффақият билан ўтдилар ва доимий лавозимда ишлаш учун қобилиятли кишилардир. Шундан кейин ҳарбий разведка департаментларга бу кишилар доимий ишга олинмаслиги кераклигини билдирди. Бунинг учун баҳона қилиб кўрсатилган ягона сабаб шуки, хавфсизлик ишлари билан шуғулланучи ма'мурлар уларнинг бу лавозимларга тайинланишини тасдиқламаган эмиш. Бошқа ҳеч қандай сабаб кўрсатилмайди. Бу кишиларнинг доимий ишга олинишига қарши бирон асос кўрсатилмаса ҳам, шу нарса э'тиборни жалб қиладики, ариза берган кишилар компартия а'золари, ёки жуда сўл маслакдаги кишилардир».

Уайт шундай бир мисолни келтирди. Уруш вақтида ёш бир аёл коммунист бўлганлиги учун давлат идорасидаги хизматидан бўшатилган эди. «Дейли телеграф энд Морнинг пост» газетасининг ёзишича, давлат идоралари хизматчиларининг барча асосий касаба союзлари бу ҳақда ҳукуматга норозилик билдирганлар. Давлат идораларидаги мутахассислар ташкилотининг бош секретари Герберт 23 мартда бундай деди: сўл маслакдаги бир олим мудофаа департаментидан атом энергияси билан боғлиқ бир ишга кўчирилган эди. Уч кундан кейин бу қарор бекор қилинди. Аммо бунинг сабаби кўрсатилмади. Бошқа олимлар ҳақида ҳам шундай адолатсиз ҳаракатларга йўл қўйилмоқда.

## ЛИВАН ВА СУРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ СССР ГА ҚИЛГАН САФАРИДАН ОЛГАН ТААССУРОТИ

БАЙРУТ, 26 март (ТАСС). Чет мамлакатлар билан маданий алоқа қилувчи Бутун Иттифоқ жамиятининг таклифига биноан, Совет Иттифоқига келиб кетган Ливан ва Сурия делегациялари матбуотда мактуб э'лон қилдилар. Мактубда бундай дейилади:

«Ливан ва Сурия делегациялари араб мамлакатларидан Совет Иттифоқига борган биринчи делегациядир. Совет Иттифоқида бўлган вақтимизда совет кишилари бизларни жуда иззат ҳурмат билан кутиб олдилар. Биз бунинг учун совет кишиларига самимий ташаккур ва миннатдорчилик билдирамиз. Биз Москвани, Ленинградни, Ўзбекистон пойтахти Тошкентни ва Озарбайжон пойтахти Бокуни бориб кўрдик. Кўпгина заводларда, шу жумладан Осиё республикаларидаги заводларда бўлдик. Институтларни, театрлар, музейлар, ишчилар клублари, болалар уйлари, касалхона ва санаторияларни, колхозларни борib кўрдик. Кўпгина олимлар, инженерлар, врачлар, ёзувчилар ва артистлар билан суҳбат қилдик. Биз уларга ўзимизни қизиқтирган нарсалар ҳақида жуда кўп савол бердик ва ҳамма саволларимизга батафсил жавоб олдик.

Биз зўр хурсандчилик билан айтамизки, Совет Иттифоқи дуня'да энг илғор давлатдир. Совет Иттифоқида бошқаларининг ерини босиб олиш фикри йўқ. Совет Иттифоқида ҳамма киши ижодий меҳнат билан банд. Ҳамма киши тинчликни ва барча халқларнинг мустақил яшашини истайди. Совет Иттифоқида диний эркинлик ҳукм суради.

Биз совет Иттифоқига қилган сафаримиз араб мамлакатлари билан буюк Совет давлати ўртасидаги маданий алоқани янада кучайтиради, деб ишонамиз».

Мактубга доктор Жорж Ханна, Антуан Тобеть доктор Комил Айёд ва бошқалар қўл қўйган.

## ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ КОМИССИЯСИНИНГ А'ЗОЛАРИ СОФИЯГА КЕЛДИЛАР

СОФИЯ, 15 март (ТАСС). Грециянинг шимолий чегараларидаги аҳволни текширувчи Хавфсизлик Кенгаши комиссиясидаги СССР, Польша, Франция ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари бугун кечқурун Грециядан Софияга келдилар.

Совет делегациясининг а'зоси Грауэр Хавфсизлик Кенгаши комиссиясидаги бошқа а'золар билан биргаликда Грециянинг халқ қўшинлари қўмондони генерал Маркос билан учрашган эди. Грауэр матбуот вакилларига бу учрашув ҳақидаги таассуротини сўзлаб берди.

— Грек партизанларининг ўз бурчини ва шон-шарафини тушинишга асосланган қатъий интизом, катта уюшқоқлик ва ўз мақсадларига эришишга ишонч қисси айниқса катта таассурот қолдирди, — деди Грауэр. — Партизанлар анчагина катта ерни назорат қилиб турмоқдалар. Фронтнинг аниқ марраси йўқ. Аммо, партизанлар ўз қўл остидаги ерларни маҳкам сақлаб турибдилар. Партизанлар назорат қилиб турган ҳарбир қишлоқда «яраштирувчи комитетлар» тузилган. Бу комитетлар грек ма'мурларига қурол билан қаршилик кўрсатиш тарафдори бўлган кишилар билан бунга қарши кишилар ўртасидаги жанжалли масалаларни ҳал қиладилар.

Грауэр партизанларнинг қурол-яроғи ҳақидаги масалага тўхталиб, комиссия а'золари партизанлар қўлида Булғория қуролини кўрмадилар, деди.

Грауэр комиссия а'золарининг генерал Маркос билан нима тўғрисида гапиришганлиги ҳақида журналистларнинг саволига жавоб қайтариб, бу сўзлар 238 варақдан иборат ҳужжатда баён қилинган, деди. Бу ҳужжатлар жуда муҳим бўлганлиги сабабли, улар инглиз, рус ва француз тилларига таржима қилинади ва Хавфсизлик Кенгаши комиссиясига топширилади.

Софияга комиссиянинг бошқа а'золари ҳам келмоқда. Комиссия 26 март эрталаб ишга киришса керак. Комиссиянинг иши уч кун давом этади.

## БЕРЛИНДАГИ ИТТИФОҚЧИЛАР КОМЕНДАТУРАСИНИНГ МАЖЛИСИ

БЕРЛИН, 25 март (ТАСС). 1947 йил 18 мартда совет коменданти генерал-майор Котиков раислигида Берлиндаги Иттифоқчилар комендатурасининг 63-нчи мажлиси бўлди. Мажлисда Америка комендантининг ўринбосари полковник Ҳоули, Британия коменданти генерал-майор Нейрс ва Франция коменданти бригада генерали Ганеваль ҳозир бўлдилар.

Комендантлар Катта Берлинда сиёсий тусда бўлмаган ташкилотлар тузишга рухсат бериш ҳақидаги тартибни тасдиқладилар. Бу тартибга биноан, сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий масалаларда жамоатчиликка ўз та'сирини ўтказишга уринмаган, балки маданий, ижтимоий касаба, маориф, кўнгил очадиган, спорт, етимхоналарга ёки ўзаро кўмаклашиш ишларига ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган ташкилотлар сиёсатга алоқаси бўлмаган ташкилот деб ҳисобланади.

Сиёсатга аралашмайдиган бундай ташкилот умум шаҳар ёки район миқёсида иш бошлаш учун рухсат олмоқчи бўлганида, ўз бошқармаси жойлашган райондаги шаҳар идорасига ариза бермоғи керак. Кўлланмада кўзда тутилган ҳамма ма'лумотларни илова қилиб ёзилган бу ариза сўнгра шаҳар бошлиғига топширилади. Шаҳар бошлиғи эса аризани Иттифоқчилар комендатурасига ёки район комендатурасига топширади.

Сиёсий ишларга алоқаси бўлмаган ташкилотларга иш бошлаш учун рухсат бериш ёки бермаслик масаласини, агар бу ташкилот умум шаҳар миқёсида иш кўрадиган ташкилот бўлса, Иттифоқчилар комендатураси, район миқёсида иш кўрадиган ташкилот бўлса, район комендантн узил-кесил ҳал қилади.

Комендантлар шаҳарда бинокорлик ишларига рухсат бериш ва бу ишларни назорат қилиб туриш ҳақида буйруқ чиқардилар.

Комендантлар шу мажлисда илгари гитлерчилар ҳукумати вақтида сиёсий ёки диний фаолиятлари учун та'қиб қилинган ва ҳозир Хитойда яшаб турган берлинли немисларни ўз юртига қайтаришга рухсат берилишини сўраб Контроль Кенгашига мурожаат қилишга қарор бердилар. Бу кишиларни ўз юртига қайтаришдан илгари уларнинг берлинли эканлиги текширилиши керак.

## БЕРЛИНДАГИ САЙЛОВДА КАСАБА СОЮЗЛАРИ БИРЛИГИ ТАРАФДОРЛАРИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

БЕРЛИН, 26 март (ТАСС). 23 мартда Берлиндаги 20 районда касаба союзларининг район конференциялари бўлиб ўтди. Бу конференциялар тегишли касаба союз органларининг сўнгги йил ичида қилган ишлари ҳақидаги ҳисоботларини эшитиш, район касаба комитетларини сайлаш ва катта Берлин касаба союзлари умумшаҳар конференциясига вакиллар сайлаш учун чақирилган эди. Берлинда чиқалиган ҳамма газеталар, шу жумладан касаба союзларининг бирлашувига қарши бўлган газеталар ҳам, район конференциялари Берлин касаба союзлари а'золари ўртасида бирлик тарафдорларининг обрўси ошганлигини кўрсатди, касаба союзларидаги мустақилчи оппозиция тарафдорлари тўла мағлубиятга учраганлигини кўрсатди, деб ёзадилар.

Берлинда чиқалиган «Ди нейе цейтунг» газетаси 20 районда ўтказилган сайловнинг натижалари тўғрисидаги жадвални 25 мартда э'лон қилди. Газетада босилган бу ма'лумотларга қараганда, касаба союзларининг район комитетларига Германиянинг бирлашган социалистлар партияси (СЕПГ) а'золаридан 344 киши, социал демократлар партияси (СДПГ) а'золаридан 118 киши, христиан демократлар союзи (ХДС) а'золаридан 9 киши ва партиясизлардан 3 киши сайланган. Катта Берлин касаба союзларининг умум шаҳар конференциясига СЕПГ а'золаридан 361 киши, СДПГ а'золаридан 73 киши, ХДС а'золаридан 2 киши вакил қилиб сайланган. Фақат 2 районда — Шпандау ва Вильмерсдорф районларидагина социал демократлар кўпчилик ўрин олган.

## «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ВА «ПРАВДА ВОСТОКА» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИНИНГ АДАБИЙ-БАДИИЙ «ЧОРШАНБАЛИГИ»ДА

26 мартда «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газета редакцияларининг клубида адабий-бадиий «чоршанбалик» ўтказилди. Бу «чоршанбалик» Чайковскийнинг «Пиковая дама» операсини саҳнага қўяётган Ўзбек Давлат опера ва балет театрининг ижодий коллективи билан учрашувга бағишланган эди.

Кечада постановкачи, театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Э. И. Юнгвальд-Хилькевич «Пиковая дама» операсининг ўзбек театрида қўйилиши ҳақида доклад қилди.

Ўзбек Давлат опера ва балет театри бу асарни саҳнага қўйиш билан рус классик музика асарларини ўзбек тамошабинларига таништиришда олға қараб яна бир қадам ташлайди. Театр коллективи бу мураккаб музика асарини тамомила ўрганиб олиш, опера образларини яратиш соҳасида қунт билан астойдил ишлаб келмоқда.

Докладчи ўртоқ Юнгвальд-Хилькевич опера тарихи ва унинг хусусиятлари тўғрисида муфассал тўхталиб ўтди, кеча қатнашчиларига театрнинг ижодий планлари ҳақида сўзлаб берди.

Кечада «Пиковая дама» операсидан ария ва парчалар эшитилди. Бунда Ўзбекистон ССР халқ артистлари Шаҳодат Раҳимова ва Карим Зокиров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлардан С. Самандарова ва Н. Хошимова, театрнинг яккахон ашулачиларидан Мўллажонов, Довидова, Низомхўжаев, концертмейстер Воробейчикова ва постановканинг музика раҳбари ЎзССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби дирижёр Н. А. Гольдман қатнашдилар.

Адабий-бадиий «чоршанба»ликда «Пиковая дама» операсининг саҳнага қўйилиши муносабати билан тайёрланган костюм ва декорацияларнинг нусҳалари ҳамда макетлари ва бошқа безакларидан кўргазма ташкил қилинган эди. Булар рассом Рифтин раҳбарлигида театр ишхонаси томонидан тайёрланган.

«Чоршанбалик»да ҳозир бўлган журналистлар, ёзувчилар, нашриёт ходимлари, шунингдек пойтахт театрларининг артистлари Ўзбек Давлат опера ва балет театрининг янги постановкаси ҳақидаги ахборотни, шунингдек спектакль қатнашчиларини бўлмиш артистларнинг ўйинларини завқ билан тамоша қилдилар.

★

Суратда: «Чоршанбалик» қатнашчилари (чапдан ўнгга): С. Самандарова, К. Зокиров, К. Давидова, Ш. Раҳимова. Тикка турганлар: Низомхўжаев, Ҳошимов, Н. Ҳошимова ва Мўллажонов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

## ТОШКЕНТДА НАМУНАЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНИ ОЧИЛДИ

Яқинда Тошкентнинг Ленин кўчасида Ўзбек бирлашувининг янги намунали магазини очилди. Магазинда пойтахт меҳнат кашларига озиқ-овқат маҳсулотлари, чунончи: гўшт, мой, турли сабзавот, қанд-қурс мевалар, шарбатларнинг ҳархил турлари ва бошқа моллар сотилаётир. Яқин кунларда кондитер моллари, булкалар ҳам сотила бошлайди.

Республиканинг олтита область матлубот кооперацияси союзлари учун ҳам Тошкент шаҳрида биттадан ана шундай магазин очишга руҳсат берилди. Область матлубот кооперацияси союзлари бу областларда ўз областларидан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладилар. Андижон область матлубот союзи томонидан шу ойнинг бошларида Тошкентда очилган магазин аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Янги очилган магазинда сотилаётган озиқ-овқатларнинг сифати яхши ва бозор нархидан бирмунча арзон.

## ЯНГИ ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИ

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги Тошкентдаги Максим Горький номли тикувчилик фабрикаси ёнида трикотаж моллари ишлабчиқаруви янги фабрика қуришга киришди. Ҳозир қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Шу йилнинг охиригача 200 минг жуфт пайпоқ ва трикотаждан 300 минггa ич кийим ишлабчиқариш қувватига эга бўлган цехлар қурилиб, ускуналанади.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН»НИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

## „О Б К А Ш“

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар совети ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши «Қизил Ўзбекистон» газетасида юқоридаги сарлавҳа остида босилган фельетонни муҳокама қилди ва унда кўрсатилган фактларнинг ҳаммасини тўғри деб топди.

Тошкент шаҳар Октябрь район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Аҳмедов ободончилик ишлари билан жуда кам шуғулланган. Районнинг «Қадобод», «Чувалачи», «Чигитбоши» маҳаллаларига водопровод келтирилмаган. Натижада бу маҳаллаларда яшовчи аҳоли сувсизликдан анча қийналмоқда. Ховлиларга ва кўчаларга ўтқазилган дарахтлар қуриб қолмоқда.

Шаҳар совети ижроия комитетининг йиғилиши Октябрь район совети ва унинг раиси ўртоқ Аҳмедовнинг бу соҳада етарли иш қилмаётганлигини қаттиқ танқид қилди. Шу билан бирга район ижроия комитетининг президиумига район-да ободончилик ишларини яхшилаш ва айниқса сув чиқмайдиган ерларга водопровод қувурлари келтиришни топширди.

Калковуз ариғининг бузилган жойларини тузатиш учун шаҳар фондидан 5000 дона пишиқ ғишт, 2 тонна цемент ва 4 кубометр ёғоч ажратилди.

Шаҳар водоканал трестига районнинг «Крупская», «Намуна», «Бирлашган» ва «Бирлик» маҳаллаларида водопровод қуриш топширилди.

Мас'ул муҳаррир:
С. РАЖАБОВ.

### БИЛДИРИШ

**Ишлабчиқариш корхоналаридаги касаба ташкилотлари ва ма'муриятларига билдирилади,** корхоналарда коллектив шартномаларнинг тузилиши муносабати билан, ВЦСПСнинг Ўзбекистондаги вакиллиги ҳузурида (Киров кўчаси, 20-нчи уй, Меҳнат саройи, телефон — 33270 ва 33022) коллектив шартномалар тузишга доир консультация бюроси уюштирилган.

Консультация бюроси дам олиш кунларидан бошқа ҳар куни эрталаб соат 11 дан кеч 11 гача ишлайди.

### ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 29 мартда **Олеко Дундич**. 30 мартда **Муҳаббат**.

ЎзОПЕРА ТЕАТРИДА —29 мартда— С. Н. Василенко музикаси — **Оқ билак**. 4 пардa, 7 кўринишли балет. Бу спектакль РСФСР ва ЎзССР халқ артисти, сан'атшунослик фанлари доктори, композитор **С. Н. Василенконинг туғилганига 75 йил тўлишига бағишланади.** Спектаклда: ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Розия Каримова, Бутун Иттифоқ эстрада конкурси лауреати Галя Измайлова қатнашади. Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА — 29 мартда **Тоҳир ва Зуҳра**, 30 мартда **Қизил гул**.

ЎЗБЕК МУЗИКА ТЕАТРИДА—(Бешёғоч) — 29 мартда **Тоҳир ва Зуҳра**, 30 мартда **Муҳаббат гули**.

ЁШ ТАМОШАБИНЛАР ТЕАТРИДА— 29 март кундуз соат 12 да **Шаҳзода Иван**. 29 ва 30 март кундуз соат 4 да **Полк ўғли**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — А. Сокол раҳбарлигидаги янги келгар цирк коллективининг гастролълари ва французча курашлар. Арбитр П. Бредихин. Программа 3 бўлимдан иборат. Тамоша кеч соат 9 да бошланади.

31 мартгача ҳар куни мактаб болаларининг каникули муносабати билан кундузги тамошалар қўйилади. Тамошалар 29 ва 31 мартда кундуз соат 1 да, 30 мартда кундуз соат 1 ва 4 да бошланади.

### КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ»—Сирли орол; СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТР— **Тоҳир ва Зуҳра**; «ТЎҚҚИЗИНЧИ МАЙ» (1-нчи трамвайнинг «Сирли мачит» остановкаси) — Ун учлар; «ПОБЕДА» (Шинли бозор) —Аламослар дараси; «ИСКРА» —янги бадиий фильм Глинка; «ЎЗБЕКИСТОН»—Ҳужум маркази; «НОВОСТИ ДНЯ» — Оқариб кўринар ёлғиз елкан; «ВЕСНА» —Виборг томони; АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КЛУБИ — **Лўлиларнинг сўнгги чайласи.**

### МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШИ

1947 йил 3 февраль, № 3, Тошкент шаҳри

**ЎРГАТИЛГАН ИТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА.**

Тошкент шаҳар Советининг Ижроия Комитети

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳридаги 2 ойликдан тортиб ва ундан юқори ёшда бўлган қуйидаги ўргатилган ва зотли итлар 1947 йил 15 апрельгача рўйхатга олинсин. Немис овчаркалари, Ўрта Осиё овчаркалари, жанубий-рус ва шотланд овчаркалари, доберман-пинчерлар, эрдель-терьерлар, туркман, кавказ овчаркалари, доглар, ўргатилган зотларнинг дурагайлари, сан-бернарлар, лайкалар, боксёрлар, пудельлар, шпицлар, бульдоглар.

2. Итларни рўйхатга олиш вазифаси Осавиахим шаҳар кенгашига юклансин.

3. Итлар Ит ўргатиш клубида (Пушкин кўчаси, 56-нчи уй) рўйхатга олинсин ва рўйхатга олиш вақти — ҳар куни эрталаб соат 10 дан кеч 10 гача белгилансин.

4. Ушбу мажбурий фармойишнинг 1-нчи моддасида кўрсатилган турдаги итлари бўлган кишиларга ҳамда муассаса ва корхона раҳбарларига ўз итларини 1947 йил 15 апрельгача рўйхат қилдириш мажбурияти юклансин.

5. Итларини рўйхат қилдиришдан бош тортган кишилардан 100 сўмгача жарима олинсин ёки улар бир ойгача муддат билан мажбурий ишга тортилсин.

6. Бу мажбурий фармойишнинг бажарилишини кузатиш Осавиахим шаҳар кенгаши ва милиция органларига юклатилсин.

Тошкент шаҳар Совети Ижроия Комитети раисининг ўринбосари
КОМИЛОВ.

Тошкент шаҳар Совети Ижроия Комитетининг секретари
МЎМИНОВА.

«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тиражи 64,5 минг. Р. 00150. №127.